Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта
махсус таълим вазирлиги
Бухоро давлат университети

Фарҳод ҚОСИМОВ

# ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА БУХОРО

«Бухоро нашриёти» — 1996

www.ziyouz.com kutubxonasi

Рисола Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш бўйича вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги комиссия қарори асосида нашрга тавсия этилган.

МАСЪУЛ МУҲАРРИР:

Тарих фанлари доктори,

профессор М. МУСТАФОЕВ.

ТАҚРИЗЧИЛАР:

БДУ Умумий тарих кафедрасининг мудири, тарих фанлари номзоди, доцент

А. Ш. ЖУМАЕВ.

Тарих фанлари номзоди, доцент

А. Ф. ҒАФУРОВ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

# 1996 йилни «Амир Темур йили» деб эълон қилиш тўғрисида

Буюк давлат арбоби Амир Темур туғилган куннинг 660 йиллиги муносабати билан мамлакатимиз жамоатчилигидан тушаётган кўплаб таклифларни инобатга олиб, унинг давлатчиликни барпо этишдаги, фан, таълим ва маданият тараққиётидаги улкан ҳиссасини назарда тутиб, ЮНЕСКО Бош конференциясининг 1996 йилда Амир Темурнинг 660 йиллиги жаҳон жамоатчилиги томонидан кенг нишонланиши тўғрисидаги қарорига эътиборан халқаро ва республика миқёсида тадбирлар ўтказилаётганлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон фуқароларининг ёш авлоднинг миллий ифтихор ва ватанпарварлик туйғуларини янада ривожлантириш мақсадида 1996 йил «АМИР ТЕМУР ЙИЛИ» деб эълон қилинсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 26 декабрь.

www.ziyouz.com kutubxonasi

# Узбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг қарори
## Бухоро шаҳрининг 2500 йиллиги юбилейига тайёргарлик куриш ва уни утказиш тўғрисида

Бухоро шаҳрининг жаҳон маданияти тараққиётида тут ган алоҳида ўрнини ҳисобга олган ҳолда, ЮНЕСКО Бош конференциясининг 1995 йил октябрь-ноябрь ойлари да Парижда ўтган 28-сессияси Бухоро шаҳрининг 2500 йиллигини дунё миқёсида кенг нишонлаш ҳақидаги қароридан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. ЮНЕСКО Бош конференцияси 28-сессиясининг Бухоро шаҳрининг 2500 йиллик юбилейини 1997 йилда ЮНЕСКО раҳнамолигида жаҳон миқёсида ўтказиш ҳақидаги қарори қўллаб-қувватлансин ва асос учун қабул қилинсин.

2. Мазкур тарихий сана тадбирларини тайёрлаш ва ўтказиш бўйича республика ташкилий қўмитасининг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ташкилий қўмита Бухоро шаҳри юбилейига тайёр гарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан асосий тадбир лар режасини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва амалга оширишга киришсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Молия вазирлиги, Бухоро вилояти ҳокимлиги ва «Ўзбектуризм» миллий компанияси ЮНЕСКО экс перт мутахассислари билан биргаликда бир ой муддат да Бухоро шаҳрининг қадимий марказида ва асосий туристик маршрутида жойлашган ноёб тарихий-маданий обидаларни 1996-2000 йилларда таъмирлаш ва ободон лаштириш дастурини ишлаб чиқсинлар ва ташкилий қўмита тасдиғига киритсинлар.

Шу жумладан 1996-1997 йилларда бажариладиган ишлар алоҳида белгилаб қўйилсин ва тегишли маблағ ажратилсин.

www.ziyouz.com kutubxonasi

4. Ўзбекистон Республикаси Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги Бухоро вилояти ҳокимлигининг буюртмасига мувофиқ, «Ўзсувқурилиш» концерни, Давлат геология ва минеро логия ресурслар қўмитаси билан биргаликда 1996-1997 йилларда шаҳар акваториясида ер ости сувлари сатҳини белгиланган нормативларда бўлишини таъминловчи чора-тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга оширсинлар.

5. «Ўзбектуризм» миллий компанияси Бухоро вилояти ҳокимлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Бухоро воҳасида хорижий ва маҳаллий туризм инфраструктурасини ривожлантиришга қаратилган махсус маданий туризм дастурларини икки ой муддатда ишлаб чиқиб, бажаришга киришсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси Фанлар Академияси билан биргаликда 1996-1997 йилларда Бухоро тарихига оид нашрларни тайёрлаш ва чоп этишни назарда тутсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Ташқи ишлар вазирлиги, Маданият ишлари вазирлиги билан биргаликда 1997 йилда Бухоро шаҳрида шаҳарнинг 2500 йиллиги юбилейига бағишланган халқаро илмий конференция ўтказсин.

8. Ташқи ишлар вазирлиги ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий комиссияси ва Бухоро вилояти ҳокимлиги билан биргаликда 1997 йилда Бухоро шаҳрининг юбилейини ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида юксак даражада нишонлаш тадбирлари бўйича таклифлар киритсин.

9. Бухоро вилояти ҳокимлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 3 ой муддатда Бухоро шаҳрини ободонлаштириш, аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш, алоқа-транспорт, соғлиқни сақлаш ва маиший хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқсин ва амалга оширишга киришсин.

www.ziyouz.com kutubxonasi

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Бухоро шаҳрининг юбилейини ўтказиш учун 1996-1997 йиллардаги тайёргарлик ишларини бажаришга ҳар йили белгиланган тартибда маблағ ажратсин, ушбу харажатларнинг 50 фоиздан тенг улушларда республика бюджети ҳамда Бухоро вилояти маҳаллий бюджети ҳамда ташкилотлар ва корхоналарнинг ихтиёрий бадаллари ҳисобига қопланишини назарда тутсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Давлат телерадиокомпанияси, «Ўздавкинокомпания» ва оммавий ахборот воситалари Бухоро шаҳрининг қадимий тарихи ва маданиятини, ўзига хос санъатини тарғиб этувчи видео, телефильмлар яратишни, оммабоп материаллар бериб борилишини таъминласинлар.

Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг раиси И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри.

**1996 йил, 3 январь.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

## СЎЗ БОШИ ЎРНИДА

Ҳур замонлар келиб, Ўзбекистон мустақиллиги қўлга киритилгандан сўнг тарихимизнинг барча жабҳаларини, жумладан Амир Темур даврини янги илмий тафаккур руҳида, холисона ёритиш имкониятлари туғилди. Пойтахт Тошкентда улуғ соҳибқиронга ҳайкал ўрнатилди. Унинг очилишига бағишланган митингда Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов шундай деди: «Амир Темур номи тарихимиз саҳифаларидан қора буёқ билан ўчирилди, унутишга маҳкум этилди. Мақсад халқимизнинг юрагидан миллий онг, миллий ғурур туйғусини йўқотиш, уни қарамликка, тобеликка кўндириш эди. Лекин ўзбек халқи ўз аждодларини, ўз баҳодирларини унутмади, ҳамиша юрагида, қалб қўрида сақлади...

Бугун Шарқда тенги йўқ саркарда мустақиллик, истиқлол шарофати билан ўз ватанига қайтди». (1)

Республикада Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Абдухолиқ Ғиждувоний, Мирзо Улуғбек, Феруз каби алломалар маъракасининг ўтказилиши миллатимизнинг ўзининг бой ўтмиши ва меросига ҳурмат-эҳтиромини сезиларли даражада оширди.

Бу қутлуғ ва хайрли воқеалар қаторига яна бир улкан тантана қўшиладиган бўлди. —1994 йил декабрида Президентимиз И. А. Каримов имзолаган «Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш тўғрисида» Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қи-

---

1. И. А. Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Тошкент. «Ўзбекистон», 1994, 91-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

линди. Бу қарорни том маъноси билан тарихий ҳужжат деса бўлади. Чунки истиқлолга эришган миллат маънавий қиёфасини янгича шакллантиришда, мамлакат фуқароларида, айниқса ёш авлодда ватанпарварлик, миллатпарварлик, ростгўйлик ва аҳиллик туйғуларини тарбиялашда шавкатли бобомиз, енгилмас саркарда, буюк давлат арбоби Амир Темур фаолиятининг роли бениҳоя катта.

«Мозийга қайтиб иш кўрмоқ хайрлидир». Абдулла Қодирийнинг бу машҳур сўзлари қарор мазмунини ва моҳиятини белгилаб беради. Соҳибқироннинг мададкор руҳи халқимизни бунёдкорликка, ҳамжиҳатликка чорлаб туради. Унинг асрлар қатламидан бизгача етиб келган бебаҳо мероси истиқлолият таянчларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Бу меросни ҳар тарафлама ўрганишда тарихчи, адабиётчи, файласуф, олимларимизнинг, шу жумладан 1992 йилда тузилган Республика «Амир Темур» маърифий жамияти ва унинг Бухоро вилояти бўлими мутахассисларининг масъулияти катта. Негаки, соҳибқирон салтанати тарихи фанимизда кенг ёритилгани ҳолда бу мавзунинг Бухоро билан боғлиқ қирралари ҳали етарлича ўрганилмаган.

Ушбу рисола шу йўналишда қилинаётган дастлабки уринишлардан биридир.

Сайқали рўи замин — Самарқандда ҳокимлик қилган соҳибқирон давлат ва бунёдкорлик режаларини бажаришда бизнинг қадимий шаҳримиз— Бухорои Шарифга ажратган ўрни ва эътибори, табиийким бугунги кунда катта қизиқиш уйғотади. Бу қизиқиш айни пайтда ўзининг 2500 йиллик тўйига тайёргарлик кўраётган кўҳна шаҳримизнинг Амир Темурга ўхшаш буюклар нигоҳида бўлганлиги, унинг улуғ иш ва сиёсатига куч ва руҳ бағишлагани билан белгиланади. Бухоро Амир

www.ziyouz.com kutubxonasi

Темурнинг ҳам сиёсий-ижтимоий, ҳам яратувчанлик фаолиятида катта ўрин олган ва бунинг тарихий ва илмий сабаблари бор, албатта.

Муаллиф шу сабабларни кўрсатишга Амир Темур фаолиятининг Бухоро билан боғлиқ нуқталарини аниқлашга баҳолу қудрат ҳаракат қилди. Темуршунослар янги очилаётган манбалар асосида мазкур рисолада ёритилмай қолган қирраларни тўлдирадилар, деган умиддамиз.

МУАЛЛИФ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

# Темурийлар даврида Бухоро

"АМИР ТЕМУР ва БУХОРО" мавзуси кенг кўлами ва мазмуни билан қарийб бир ярим асрни ўз ичига олади. 1350 йиллардан бошлаб, яъни улуғ бобокалонимиз ҳокимият тепасига келиш учун саъй-ҳаракатларини бошлаган вақтдан 1500 йилгача, шайбонийларнинг темурийлар давлатига хуруж қилишигача бўлган даврни қамраб олади.

XIV асрнинг ўрталарида сиёсат ва ҳарб майдонига кириб келаётган Темур Мовароуннаҳрдаги турли ижтимоий кучлар ва қатламлар ролини ҳисобга олиш билан бирга муҳим марказлар – Самарқанд, Балх, Урганч, Термиз, Ҳирот шаҳарлари мавқеини ҳам назарда тутар эди. Бу катта шаҳарлар қаторида албатта, Бухоро ҳам бор эди.

Тарихни, ўтмиш воқеаларини яхши билган Темур шуни алоҳида ҳисобга олган эдики, Бухоро ҳали турк ҳоқонлиги даврида, ундан кейин, айниқса Сомонийлар салтанати даврида Мовароуннаҳрда давлатчиликка асос солган машҳур пойтахтлардан бири эди. Ҳали Искандари Зулқарнайн замонларидан бери Турон заминидаги барча сиёсий, иқтисодий, маданий воқеалар маркази бўлиб келган Бухоро, Имом Исмоил ал-Бухорий, Абу Ҳафс Кабир, Абу Али ибн Сино,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Абдухолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Сайфиддин Бохарзий ватани бўлмиш Бухорои Шариф, бутун мусулмон дунёсида ислом маркази обрўйини олиб ётган Бухоро, Шаверос онасидан туғилган муқаддас юрт Амир Темурдек буюк давлат арбоби ва саркарда инсон диққат эътиборини ўзига тортмасдан қўймасди.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, XIV аср охири-XV аср бошларида Бухоро Мовароуннаҳрнинг энг катта ва энг нуфузли шаҳарларидан бири бўлган. Академик В.В.Бартольднинг таъкидлашича, ўша пайтда Бухоро катталиги, ҳамда иқтисодиёти Самарқандга тенг бўлиб, 12 та дарвоза билан ўралган эди.[1] Фақат аҳолисининг кўплиги ва ободончилик бобида Самарқанд машҳурроқ эди. X асрда сомонийлар давлатининг маркази бўлган Бухородан пойтахтлик [illegible] эди. Исмоил Сомоний мақбараси, Минораи Калон, Мағоки Аттори масжитларидан ташқари кўпгина иморатлар нобуд бўлди, шаҳарни ўраб олган деворларнинг кўпгина жойлари вайрон қилинди.

Мўғуллар ҳукмронлиги остида бўлган Чиғатой улусида Бухоро ўзининг олдинги қудрати ва мавқеини сақлаб қолишга ҳаракат қилди. XIII асрнинг ўрталарида унинг ҳаётида жонланиш белгилари пайдо бўлди: шаҳар аҳолиси ўсди, ҳунармандчиликда тикланиш аломатлари кўрина бошлади. Абу Али ибн Сино давридаги мактаб-маориф ва таълим муассасалари давом эттирилиб, Масъудия ва Хония мадрасалари қурилди. Бироқ, бу жонланиш узоққа бормади.

1 Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Сочинения, том I, Москва, 1963, 135-бет.

1270 йилларда шаҳар яна хонавайрон бўлди. Эрондан ҳаракат қилган мўғул подшоҳи Хулагухон Бухорони қамал қилди. Чиғатойнинг набираси Алгуй ва ўғиллари билан Бухорони жанубдан келган талончилардан "озод қилиш" - мақсадида Бухорога отлиқ аскарлар билан кирди ва уни Хулагухондан баттар талади. Бу талаш уч йил давом этди, шаҳарда 50 мингга яқин киши ўлдирилади. У хувиллаб қолди. Ана шу 7-8 йил мобайнида Бухоро савдо, ҳунармандчилик, маданият маркази сифатидаги ўз аҳамиятини йўқота борди.[1]

Кейинги мўғул ҳукмдорлари – Ғозонхон, Кебекхон, Қозонхон, Қозахон даврларида Мовароуннаҳр маъмурий-ҳарбий туманларга бўлинади. Ўлка икки йўл билан идора қилинарди. Баъзи туман ва шаҳарларни маҳаллий ҳокимлар-нинг сулолалари бошқарган бўлса, айримлари руҳоний феодал ҳокимиятининг вакиллари қўлида эди. Бухоро ва унинг вилояти садр бошчилигидаги руҳонийлар мулкига ки-рарди. Лекин бутун минтақада ягона, марказлашган ҳоки-мият йўқ эди. Мовароуннаҳр тарқоқ, парчаланган ҳолда бўлиб, мўғул зулми халқнинг тинкасини қуритаётган эди.

Темур шундай мураккаб бир тарихий шароитда дунёга келди. Барлос беклардан бўлган Муҳаммад Тарағай Шаҳри-сабзда ҳоким эди. У Бухорода садр ва шариат деб ном қо-зонган катта руҳонийнинг қизи Текина бегим моҳга уйла-нади. "Темурнома" китобининг муаллифи Салоҳиддин

---

1. Ўзбекистон халқлари тарихи. Биринчи жилд. Тошкент, 1992, 151-бет.

Тошкандий ёзади: "Ушал замонда Бухорои шарифда Саид ал шаърият соҳиби шарҳи вуқоя ушул айёрнинг муллоси эрдилар. Бир куни дарс айтиб ўлтуруб эрдилар, бир қаландар келди. Айди: "Тегина бегим моҳ доган қизни куёвга беринг, андин бир ўғул туғуладур; они жаҳонгир ва соҳибқирон дерлар. "Тарағай Баҳодир Бухорои Шарифга етгач, тўғри Шайх ул исломни олдиларига кириб келди. Шайх ул исломни кўрди, сўфилар ҳалқасида муроқабада ўлтурурлар, андин кейин шайх ул ислом бошларини кўтариб, айдилар: "Марҳабо, сафо келдинг, эй соҳибқирон отаси". Андин кейин Тегина бегим моҳимни амир Тўрағай баҳодурга ақд қилдилар. Куёв ҳадди даражасида эрди. Ушал нутфаи пок соати зуҳалда ота силабидин она ботнига боғланди".[2]

1336 йилда туғилган Темур тезда ўз тенгқурлари орасида жасорати, қўли очиқлиги, кишиларнинг яхши-ёмонини тўғри ажрата билиши, ташкилотчилиги ва бошқа хислат-фазилатлари билан обрў қозонади. XIV асрнинг 60-йилларидан бошлаб у бошқа маҳаллий беклар қаторида Мовароуннаҳрни мўғуллар истибдодидан озод қилишга бел боғлаган экан. Ўлкадаги барча шаҳарлар, улардаги социал куч ва қатламлар, диний оқимлар ва [illegible] алоҳида таъсири каби омилларни ҳисобга олиб, бу вазиятда Бухорои Шарифнинг алоҳида ролини аниқ белгилайди. Темур ўлкада кучайиб бораётган озодлик ҳаракати нуфузли ислом уламолари иштироки ва раҳнамолигисиз муваффақиятга эри-

---

2. Салоҳиддин Тошкандий. Темурнома. Амир Темур Кўрагон жангномаси. Тошкент, 1990, 43-45-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

мустақиллигимизни ҳосил қилган моҳир сиёсатчи бўлиб ва иланаётган эди. Ҳақиқатдан ҳам "Куббатул ислом" номини олган Бухоро ва унинг атрофларида дин аҳли, ватанпарвар шайху-уламолар (уларнинг айримларини истисно қилганда) истилочиларга бош эгмади, аксинча, кураш байроғини кў-тараётган қасоскорларга ҳар жиҳатдан маънавий мадад бе-риб турди.

Маълумки, 1361 йилда Темурбек Қозоғоннинг невараси амир Хусайн билан иттифоқ тузади. Кейинги тўрт йил икки амирнинг энг яқин алоқа боғлаган даври бўлди. Лекин ҳар қайси амир якка ҳокимликка интилиб Зарафшон ва Қашқа-дарё воҳаларида ўзларига тарафдор ва хайрихоҳ кучларни ахтарарди. Қайд қилиш керакки, Темур ўз ҳарбий кучла-рини йиғаётганда Бухорога катта умид боғлади ва бу умидларида алданмади.

Амир Хусайн билан кенгашиб, алоҳида ҳарбий тайёр-гарлик кўришга келишган Темур 1362 йилда Марв томонидан Бухорога йўл олади. "Икки кун йўл юриб, Қоракўлга қа-рашли бир қишлоққа етдилар,- деб ёзади Бўрибой Аҳмедов яқинда нашр қилинган "Амир Темур" тарихий романида.- Шу ерда Кон ҳам ва ҳатто Соли сарой ҳам нотинч эканлиги хусусида хабар топдилар. Энди нима қилиш керак? Орқага қайтишнинг иложи йўқ. Қобул тарафларига эса йўл берк. Охири келишиб, нима бўлса ҳам асл режа бўйича Бухоро тарафга юришга қарор қилдилар. Темурбек билан хотини мулозимлари ва хизматкорлари билан бир ҳафтадан кейин Бухоронинг Зандансига кириб бориб, таниш бир савдогар-

нинг уйини қидириб, топдилар. Хайриятки, савдогар уйида экан. Меҳмонларни хурсандчилик билан қарши олди ва ташқаридаги катта меҳмонхонасини уларга бўшатиб берди. Уша кеча Темурбек савдогарни сўраб суриштириш, мамлакатдаги аҳволни билиб олди. Шундан кейин Темурбек Бухорога ҳам, Самарқандга ҳам бормай, уларни имкони борича четлаб ўтиб, Кеш тарафга боришга қарор қилди".[1]

Мовароуннаҳрдаги сиёсий-ҳарбий воқеаларнинг тизимини диққат билан кузатиб юрган Амир Темур ва Амир Хусайн 1360 йилларнинг ўрталарида Самарқандда кучайиб кетаётган сербадорлар ҳаракати натижасидан фойдаланмоқчи бўлдилар. Сербадорларнинг бошлиқлари асосан Бухородан бўлиб, улар мўғулларга қарши кўзғалаётган шаҳримизнинг исёнкор руҳини Самарқандга олиб юрган эдилар. Самарқанд тарихининг билимдони марҳум профессор Ю.Н.Алескеров "Самарқанд. Тарих саҳифалари" китобида таъкидлаганидек, сербадорлар қўзғолонининг раҳбари Мавлонзода "Бухоро зодагонларининг вакили"[2] бўлиб, у мадраса талабаси эди. Ҳаракатнинг яна бир раҳбари Хурдак Бухорий "камон мергани" деб ном чиқарган эди.

Сербадорлар Самарқандни мўғуллар хони Илёсхўжадан ҳимоя қилиб, ўз ҳокимиятларини мустаҳкамлайдилар. Бу ҳақда хабар топган Амир Темур ва Амир Хусайн

1. Бўрибой Аҳмедов. Амир Темур. Тарихий роман. Тошкент, 1995, 73-бет.
2. Ю.Н.Алескеров. Самарканд. Страницы истории. Ташкент, 1967, 59-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Самарқандга йўл оладилар. Шаҳар яқинига етиб, сарбадорлар бошлиқларини ўз қароргоҳларига таклиф қиладилар. Улар эмин-эркин қароргоҳга борганларида асир олиниб, қатл этиладилар. Фақат Мавлонзода Темурнинг илтимоси билан ўлимдан қутқариб қолинади.[I] Баъзи тарихчилар бунинг сабабини текшириб, Темур аввалдан Мавлонзода билан алоқада бўлган ва буни Амир Хусайндан пинҳон тутган, деган хулосага келганлар. Бироқ бу тахмин ҳозирча факт ва ҳужжатлар билан тасдиқланмаган.

Шу тариқа ҳокимият тепасига келган Амир Темур тезда ўз иттифоқчиси ва "дўсти" Амир Хусайнни кураш саҳнасидан четлаштиради, ягона ҳукмдор деб эълон қилинади. Соҳибқирон ўз давлатини барпо этиш, уни сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан мустаҳкамлашга киришишдан олдин қароргоҳ, тахт жойи, яъни мамлакат пойтахтини танлаши керак эди. Ўрта асрларда ҳокимиятни қўлга киритган ҳар бир феодал ҳукмдор, саркарда аввалбошда шу муҳим вазифани ечиш лозим эди. Темур бу борада кўп ўйлайди. Унинг назарида она-шаҳри Кеш, шариф шаҳар саналган Бухоро, бахт кулиб боққан Самарқанд пойтахт қилиб фасида бирма-бир ўтарди. Машҳур масканлардан бири бўлган Кеш "Куббатул илм вал адаб" унвонига эга бўлиб, Соҳибқиронни унга меҳри ўзгача эди. Захириддин Бобур ёзганидек, "Темурбекнинг зоди бўди Кештин учун уни шаҳар ва пойтахт қилурга кўп саъй ва эҳтимомлар қилди. Олий иморатлар Кешда бино қилди. Чунки Кешнинг қобилияти шаҳар бўлоўга Самарқанд

I. Ўзбекистон халқлари тарихи. Биринчи жилд. Тошкент, 1992, 154-бет.

ча эмас эди, оқир пой-тахт учун Темурбек Самарқандни ихтиёр қилди.[1]

Амир Темур ўз пойтахтини танлаётганда Бухорои Шарифга алоҳида эътибор билан қараган бўлса ажаб эмас. Ҳали милоддан илгариги даврларда Туронзаминдаги барча сиёсий, иқтисодий ва маданий жараёнларнинг марказида бўлган шаҳар, сомонийлар даврида мусулмон давлатчилигининг юксак намунасини берган Бухорои Шариф, мўғулларга қарши беаёв курашнинг олдинги сафларида турган қўрғон, қолаверса, онасини туққан табаррук замин соҳибқирон кўз ўнгида пойтахт қиёфасида гавдаланмаганмиди дейсиз?

Яна бир мулоҳаза. Мусулмон оламида ҳокимиятнинг шаклланиши бир томондан катта амалдорлар, дарбор аҳлининг обрўйли вакиллари, иккинчи томондан диндорлар фаолияти билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Олий ҳокимият, амир, хонлар катта мусулмон руҳонийлари, дин пешволарининг қўллаб-қувватлашларига доимо муҳтож бўлган. Бу жиҳатдан олганда XIV асрнинг 70-йилларида Мовароуннаҳрда Бухорои Шариф диний даражасига ета оладиган шаҳар топилмасди. Абу Ҳафс Кабир замонларидан бошлаб (IX аср) "Қуббатул ислом" номини олишга муяссар бўлган муқаддас маскан Темур салтанатининг маркази бўлишга тарихан тайёр эди. Бироқ бу далиллар буюк соҳибқироннинг сиёсий режаларида олдинда бир мунча чекинди. Ҳақиқат диний, балки дунёвий ҳокимиятнинг куч- қудратини барпо этишга бел боғлаган, бобоси маҳаллий ҳукмдорларнинг ўзбошимчалигига

1. Қаранг: А. Муҳаммаджонов. Темур ва темурийлар салтанати. Тарихий очерк. Тошкент, 1994, 46-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

чек қўлдан ган марказий ҳокимият тузишга киришган, ҳолдан тойган мамлакатни бирлаштириб, унда адолатли қонун ва тартиб жорий этишни ўйлаган, ниҳоят, жаҳонгирлик камарини тайёрлаётган Амир Темур Мовароуннаҳрнинг қоқ ўртасида жойлашган машҳур Самарқандни пойтахт деб эълон қилди. Шарқнинг бу бобокалон шаҳри ўзининг сиёсий, тарихий, иқтисодий, жуғрофий, маданий хусусиятлари билан устун келди.

Бухоро иккинчи пойтахт сифатида салтанат таянчи бўлиб хизмат қилди.

Амир Темур ҳукмронлик қилган 35 йил (1370-1405) давомида Бухоро пойтахт Самарқандга масофа ва маънавий жиҳатлардан энг яқин турган марказ нуфузини сақлаб турди. Бу даврда Бухородаги сиёсий ва маданий ҳаёт ҳақида Шарофиддин Али Яздийнинг "Зафарнома", Фосих Ҳавофийнинг "Мужмал - и Фосихий", Ҳофизи Абрўйнинг "Мажмуа ат - Таворих", Абдураззоқ Самарқандийнинг "Матлаъ ус - саъдайн", Ибн Арабшоҳнинг "Ажойиб ал - мақдур", Мирхонднинг "Равзат ус - сафо", Ҳ.Вамберининг "Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи" ва бошқа асарларда қимматли маълумотлар келтирилган. Бу тадқиқотларда таъкидланишича, Амир Темурнинг амру-фармони билан Бухорода саройлар, масчитлар, хонақоҳлар, савдо растлари ва бошқа иморатлар қад кўтаради. Буюк Ипак йўлида жойлашган Бухоро - катта савдо марказига айланади. Шаҳар гавжумлашиб, янги маҳаллалари, аҳолисининг касб ҳунари, ички ва ташқи савдоси туфайли ўрта аср Шарқининг намунали ҳунармандчилик

ва савдо марказига айланади.

Маълумки, Амир Темур ўз мамлакатида ишлаб чиқариш кучларининг ривожига, деҳқонлар эҳтиётига, умуман, мулкчилик ва фаровонликка ниҳоятда катта эътибор берган. Буни соҳибқирон ички ва ташқи сиёсатини акс эттирадиган тузуклардан ҳам билса бўлади. "Темур тузуклари"да айтилишича, хароб бўлиб ётган ерлар эгасиз бўлса, давлат даромадлари ва ерлари билан шуғулланувчи мансабдорлар бундай жойларни обод қилиш топшириғини олиши. Ариқлар ўтказилган, дарёлар устига кўприклар қурилган, йўллар чиқарилган. Бундай ирригация ва ободонлаштириш ишлари Бухоро воҳасида ҳам кўп ўтказилган. XIX асрнинг охирида Бухорода бўлиб, ариқ ва каналлар тизимини ўрганган рус олими Н.Ф.Ситняковский Когондан шарқи-жанубий томонга қараб чиқарилган ва халқ хотирасида Темур – ариқ дейилади маълумот берадиким, бу канал Амир Темур фармойиши билан қазилган.[1]

Мўғуллар босқини даврида бутунлай вайрон этилган Бухоро воҳасининг сув хўжалиги Темур даврига келиб тўла тикланади. Бу музофотда деҳқончилик майдони кенгайиб, Хоразм чўлларига томон 5-6 км кириб боради. Кейинчалик, ўз бобосининг яратувчилик ва ободончилик анъаналарини давом эттирган Мирзо Улуғбек даврида Бухоро вилоятининг жануби-шарқий чегарасига туташган Сомонжуқ даштига сув чиқарилади ва янги ерлар ўзлаштирилади.[2]

1. Н.Ф.Ситняковский. Заметки о Бухарской части долины Зерафшана. - Известия Туркестанского отдела русского географического общества, т.I, вып.2, Ташкент 1900, С.139.
2. Ш.Каримов, Р.Шамсуддинов. Соҳибқирон Амир Темур ва унинг салтанати. Андижон, 1995, 94 бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бухорода илму-фан, маданият тараққиёти учун кенг имкониятлар яратилди. Ҳерман Вамбери қайд қилганидек, "Нишопур, Бағдод, Марв, Хоразмнинг уламо ва мударрислари, Бухоро, Самарқанд ва Кеш мадрасаларида илгари бўлганидан ортиқ маош ва белгиланган ҳақ олдилар. Умуман, Темур давлатининг қудратли даврида мадрасалар таъсис этилди, улар хайр-саховат туфайли кенг миқёсда тараққий этилди. Ҳозирги кунда ҳам Бухорони зиёрат қилган кишилар бу осори атиқаларга ҳайрон қоладилар. Темур бу ишнинг ташаббускори бўлгани учун унинг хонадони аъзолари, вазирлари ҳам мамлакатнинг бойлари – барча яхшилар мадрасалар-масжидлар, қироатхоналар, касалхоналар таъсис этиш ҳамда уларга эҳсон беришда ўзаро мусобақа ўйнашган".[1]

Темур ҳаётлигида Бухорога тез-тез келиб турган. У тахтга ўтиргандан кейин ҳам бу одатига амал қилган. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Амир Темур ҳар гал ҳарбий юришлардан зафар билан қайтганда албатта Бухорои Шарифга келиб авлиё-анбиёларни зиёрат қилар экан, сўнг пойтахти Самарқандга ўтар экан.

Соҳибқирон келиб тавоф этган зиёратгоҳлардан бири Чашмаи Айюб мақбарасидир. У XII асрда қурилган бўлиб, унинг таъмироти ва ободончилигига Амир Темур алоҳида эътибор билан қараган. 1379 йилда Темур фармойиши билан мозор гўрхона устида катта гумбаз қурилади. Бу ҳақда гўрхона деворида ҳам битиб қўйилган. Шундай таъмирот

1. Ҳерман Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. Тошкент, 1990, 57-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ишлари ягона мажмуини ташкил қилган, Сайфиддин Бохарзий ва Баянқулихон мақбаралари да ҳам олиб борилади. Темур даврида Бухородаги энг катта мачитлардан бири - Намозгоҳда меҳроб деворига янгича зеб берилади. Минораи Калон ида катта мачит қуриш билан боғлиқ тайёргарлик ишлари олиб борилади.

Темур ва темурийлар даврида Бухорода илмий ва адабий ҳаёт равнақ топиб, бухоролик олиму фозиллар салтанат маънавий муҳитини кўп жиҳатдан белгилаб берганлар. XIV аср охири XV аср бошларида Бухорода Носир Бухорий, Муҳаммад ал-Бухорий, Хўжа Исмат Бухорий, Саъдуддин Тафтазоний, Муҳаммад Порсо каби алломалар яшаб ижод этганлар.

Машҳур шоир Носир Бухорий XIV аср бошларида Бухорода туғилади. Мадрасада ўқиб, форс тилида шеърлар ёзади. Мўғуллар истилоси давридаги адолатсизлик, зулм, талон-торожларга бардош беролмаган шоир она шаҳрини тарк этиб, дарбадарликда дарвешларча ҳаёт кечирган. Эгнида эски чопон, бошида намат кулоҳ, қўйнида эса китобдан бошқа ҳеч нарсаси бўлмаган, бинобарин, ўз ижодида сўфийлик, факирлик ғояларини тарғиб этган.

1956 йилда Наманганда Носир Бухорийнинг тўла девони топилади. Етти минг байтга яқин шеърларини ўз ичига олган бу девон Носир Бухорийнинг ўз даврида хассос шоир эканлигидан яққол далолат беради. Дарҳақиқат, Абдураҳмон Жомий 1487 йилда ёзилган "Баҳористон" китобида шоирни тилга олиб шундай дейди: "Носир, унга раҳмат бўлсин, Мовароуннаҳр шоирларидан, бухоролик. Унинг шеърла-

рида сўфийлик бўйича мавжуддир".[1] Буюк Алишер Навоий ҳам "Маҳбуб-ул-қулуб"да Носир Бухорийни ҳурмат ила тилга олади. Давлатшоҳ Самарқандий уни "малик-ул-шуаро" деб атаган. Амир Темур ҳокимият тепасига келиб, Мовароуннаҳрни бирлаштираётган бир даврда, 1378 йилда Носир Бухорий вафот этади.

Ислом дунёсида катта шуҳрат қозонган Мавлоно Саъдуддин Тафтазоний 1322 йилда Хуросонда туғилган. У тафсир, фиқҳ, мантиқ, ислом ақоидлари ва бошқа соҳаларга оид қатор асарлар яратган. Амир Темур хизматида бўлган бу руҳоний Мовароуннаҳрнинг бир неча шаҳарларида, жумладан, Бухорода, Ғиждувонда бўлиб, илм-маърифат тарқатади. Унинг мадраса талабалари учун ислом динидан ёзган дарсликлари Туркистон ўлкасида бир неча аср хизмат қилган. Ҳиротнинг машҳур Низомия мадрасасида Бухорода илм-фан чўққиларини эгаллаган бу донишмандни ҳамма эъзозларди. Шарқнинг улкан шоир ва мутафаккирларидан Абдураҳмон Жомий, Саид Шариф Журжонийлар шу орда Тафтазонийдан илм сирларини ўрганганлар.[2] С. Тафтазоний 1389 йилда вафот этади.

Хўжа Исмат Бухорий Темурийлар даврининг кўзга кўринган шоирларидандир. Ворисларга салмоқли адабий мерос қолдирган Хўжа Исмат тахминан 1365 - 1375 йилларда Бухорода таваллуд топган. Алишер Навоий "Мажолис-ун нафоис" тазкирасида уни қуйидагича таърифлайди:

1. Қаранг: И. Абдуллаева. Носир Бухорий. Тошкент, 1993, 6 с.
2. Ҳамиджон Ҳамидов. Қирқ бош аллома ҳикояти. (Илмий-бадиий лавҳалар). Тошкент, 1996, 146-бет.

"Хожа Исматилло – Мовароуннаҳр бузургзодаларидандур. Зоҳир илмида тамоми комилгандур. Гоят хуштабъликдан ўзни шеърга мансуб қилиб, девони машҳур бўлди. Хожанинг қабри Бухорода ўз хужрасидадур."[1] Шоир ўз умрини асосан Бухорода ўтказган. Унинг шеърлари тез орада шуҳрат қозониб, истеъдод овозаси Самарқандгача етади. Хўжа Исмат пойтахтга таклиф қилиниб, дастлаб Халил Султон, сўнг Мирзо Улуғбек саройларида хизмат қилади. Сарой муҳитидаги келишмовчиликлар унга маъқул бўлмайди ва шоир Бухорога қайтади. Она-шаҳрида умрининг охиригача яшаб ижод қилган шоирнинг лирикасини 20 минг байтга яқин деб ҳисоблайдилар.[2] Унинг шеърлари равонлиги, таъсирчанлиги, чуқур фалсафий мушоҳадаларга ва ўзига хос тасвирий воситаларга бойлиги сабабли бутун Мовароуннаҳрда шуҳрат қозонади. Шоир Самарқанд ва Бухоро ўртасида қадим замонлардан бери давом этиб келган адабий алоқаларни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўша олган. Бухоро назмининг султонларидан бири Хўжа Исмат 1437 йилда оламдан ўтди. Унинг қабри барча бухороликлар учун азиз жой бўлиб, зиёратгоҳга айланган.

Темур ва темурийлар давлатида яшаб ижод этган машҳур олимлардан бири Муҳаммад ал-Бухорийдир. У 1377 йилда Эронда туғилган бўлсада, ёшлиги Бухорои шарифда ўтган. Бу шаҳарда у етук олим, шоир, ислом динининг тарғиботчиси бўлиб етишади ва шу сабабли ал-Бухорий

1. А.Навоий. Асарлар. 15 томлик. 12-том. Тошкент, 1966. 14-бет.

2. Т.Қораев. Хўжа Исмат Бухорий. Бухоро, 1930. 8-бет.

лақабини олади. У Темур салтанатига кирган бир неча мамлакатларда бўлиб, Бухоро мадрасаларида олган чуқур билимлари билан кўпчиликка машҳур бўлган. Соҳибқирон тарихини ёзган ибн Арабшоҳ Муҳаммад Бухорийни "менинг устозим. билимдон ва серғайрат имом, комил фақиҳ, давронинг бежазири, асрининг ягона яговаси, инсоният алломаси, кўпбилимг устози, дину диёнатнинг чўққиси, муҳаққиқ ва мудаққиқлар шайхи, ўз замонасининг қутби, даврларнинг кирлиди"[1] деб таърифлайди. Ҳомийликка ҳаёти ва ижоди ҳали унчалик маълум бўлмаган олим ҳақида айтилган бу сўзларда, эҳтимол, муболаға унсурлари бордир, лекин Бухоро илму-фан кучини бутун мусулмон оламига намойиш этган бу алломага ўрта аср муаллифлари якдиллик билан тан берганлар. Муҳаммад ал Бухорий 1430 йилда Дамашқда вафот этган.

Тарихий манбалар XIV – XV асрларда Бухорода илму-фанни, умуман маънавий муҳитни бойитиб турган Муҳаммад Порсо (1348-1420), Хожа Убайдуллоҳ – Хўжа Аҳрор (1404-1490) ва бошқа ориф сиймолар ҳақида маълумот беради.

Сўфийлик намояндаларидан бири Хўжа Порсо (унинг тўлиқ номи Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд Ҳофизий Бухорий) Баҳоуддин Нақшбанднинг иккинчи халифаси ҳисобланади. Ҳам Темур, ҳам Улуғбек замонларида яшаган бу илоҳиётшунос олим ўз асарларида инсоннинг ўзлигини таниш лозимлигини, фикрлашни зулм ва адолатсизликка

---

1. Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал мақдур фи тарихи Таймур. – (Темур тарихида тақдир ажойиботлари). Биринчи китоб. Тошкент, 1992, 73 бет.

қорни курак тоситаси деб билишни тарғиб қилган. Бу асарлар ичида "Қозилар ҳақидаги фасл", "Тариқат шуҳрати ҳақидаги фасл", "Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд", "Қудсия" каби китоблар Хожагон таълимотини тушунтиришда алоҳида ўрин эгаллайди.

Маълумки, Баҳоуддин Нақшбанд камолотга эришгандан сўнг икки марта Макка-Мадинага ҳаж қилганлар. Бу сафарларнинг бирида уя зоти бузург ўз шогирдлари Муҳаммад Порсо ва Алоуддин Атторларни ҳамроҳ қилиб олганлар. Устоз зиёрати ҳақида эсдалик ёзиб қолдирган Муҳаммад Порсо Баҳоуддин Нақшбанднинг Бухородан Маккагача бўлган масофадаги катта-кичик шаҳарларда нечоғлик обрў ва шуҳратга эга эканлиги ҳақида фахр билан шундай ёзган: — "Ҳазрат қаерга борсалар, ҳамма ерда сўфийларнинг олий фазилатлари ила бениҳоя ҳурмат қозонар, руҳоний ҳаёт мақомларида янада баланд пояларга кўтарила борардилар. Маҳаллий сўфийлар билан суҳбатларда ҳамиша Ҳазратимизнинг инсоний комиллигини эътироф этар эдилар. Ҳазратимизнинг фазилатлари овозаси олисларгача етиб, турли мамлакатлардаги мардумлар уларнинг суҳбатларига етишишни ва уларга мурид бўлишни орзу қилур эдилар. Хожамизнинг турли саволларга берган жавобларида теранлик бошқача ва бу дунёнинг айшу-сафосидан кечиб, мақомот ва каромат йўлларида мартабалари баландроқ эди."[1]

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд вафотидан бир кун олдин

1. Насафий. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд. Тошкент, 1993, 28-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўз мурид ва шогирдларига мурожаат қилиб, энди Муҳаммад Порсога бўйсунишларини васият қилган.

Ҳаж сафаридан сўнг Муҳаммад Порсо Бухорои Шариф аҳли орасида исломий билимларни тарқатишни давом эттириб, 1407-1408 йилларда ўз маҳалласи Кўйи Деҳқонда кутубхона ташкил қилади ва ўз маблағига мадраса қурдиради.[1] Алишер Навоий маълумотларига қараганда, 1419 йилда навбатдаги ҳаж сафарига чиққан Муҳаммад Порсо ўша йили Маккаи Мукаррамага етиб келади ва 73 ёшида ўша муқаддас тупроқда вафот этади. Буюк бухоролик шайх Мадинада дафн этилган.

Нақшбандия тариқатининг кўзга кўринган муриди Хожа Аҳрори Вали ҳаётининг айрим нуқталари ҳам Бухоро билан боғлиқ эди. Таниқли самарқандлик олим Ботирхон Валихўжаев бу алломага боғланилган ҳужжатлар асосида Хожа Убайдуллоҳнинг 1427-29 йилларда Самарқанд мадрасасида таҳсил кўргандан сўнг Бухорога борганини, унда Муборак шоҳ мадрасасидан жой олиб, бобоси шайх Хованди Таҳур мухлисларидан бўлмиш Мавлоно Ҳамидиддин ва

1.Муҳаммад Порсо яшаган Кўйи Деҳқон маҳалласи (гузари) Бухорода қадимий кўчалардан бўлиб, у Муҳаммад Наршахийнинг "Бухоро тарихи" китобида тилга олинган. Шайх қурдирган кутубхона асримизнинг 40-йилларигача етиб келган. Тоқи Заргарондан шимоли-шарқ томонда жойлашган бу маҳалла кейинчалик Мулло Пайрав номи билан аталган. Бухоро кўча маҳаллаларини чуқур ўрганган олима О. А.Сухарева давлат архивидан Хожа Порсо мадрасаси кутубхонаси фойдасига XV асрнинг бошларида ёзилган вақф ёрлиғини топган (Қаранг: О.А.Сухарева. Квартальная община позднефеодального города Бухары. Москва, 1976, 206-бет).

Хожа Алоуддин Гиждувонийларнинг суҳбатидан баҳраманд бўлганлигини маълум қилади.

Биз XIV – XVасрларда Бухорода яшаб ижод этган бузургларнинг баъзилари ҳақида сўз юритдик холос. Темур ва темурийлар даврида уларнинг сони ниҳоятда кўп бўлган. Таниқли адабиётшунос профессор Р.Воҳидов ўрта асрлардаги ўзбек ва тожик шеъриятига бағишланган монографиясида биргина фахрий Хиротий ба зининг кейгизини таҳлил қилиб, XV аср ижод аҳлининг вакиллари сифатида Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Низомиддин Шайх Сухайлий, Сайфий Бухорий, Хўжа Исмат Бухорий, Ха лий Бухорий, Амир Зоҳий Сабзаворий, Бадриддин Хилолий, Камолиддин Биноий, Мавлоно Аҳлий Туршизий, Хўжа Осафий, Мавлоно Нодирий, Мавлоно Номий, Мавлоно Наргисий, Мавҳий, Хайратий, Бадрий, Нойибий,Орифий, Сойилий, Салоний, Асилий, Муҳаммад Солиҳ сингари ўнлаб ва юзлаб адиблар меросидан намунала мавжудлигини қайд қилади.[1] Шу қаторда бухоролик олиму фузалоларнинг серқирра ижоди ва фаолияти, улар яратган муҳит ва илм темурийлар салтанати маънавий дун сини бойитган асосий омиллардан бири эди.

Амир Темур ўз саройининг кутубхонасига доруга сифатида (китобдор) Мавлоно Ориф Бухорийни тайинлагани ҳам манбаларда акс этган. Муаррихлар Амир Темурнинг сарой кутубхонасидаги тарихий китоблар, айниқса Мовароуннаҳрнинг бош шаҳарлари бўлмиш Бухоро ва Самарқанд ўтмишига оид рисолалар билан қизиққанини эътироф этдилар.

Мовароуннаҳрда кенг тарқалган диний тариқатлар ичида Амир Темур бухоролик Баҳоуддин Нақшбанд асос-

1.Ботирхон Валихўжаев. Хожа Аҳрори Вали.Ҳужжатли эссе. Самарқанд, 1993, 59-бет.
2.Р.Воҳидов. XV асрнинг иккинчи ярми - XVI асрнинг бошларига ўзбек ва тожик шеърияти. Тошкент, 1983, 31-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

солган таълимотга алоҳида ҳурмат билан қаради. Улар замондош эдилар. Курраш ва ғус-тўполонларга бой бир - даврда ярим асрдан кўпроқ вақт давомида бирга яшаган табаррук зотлар бутун куч ва ақлу-заковатларини мамлакатни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан мустаҳкамлашга бағишладилар ва шу тарихий хизматлари билан халқ дилида ўчмас хотира қолдирдилар. Бу улуғ бобокалонларимизнинг авлодлар олдидаги хизматлари алоҳида ва соҳа жиҳатидан турлича бўлса-да, уларнинг дунёқараши ва маънавияти бир-бири билан чамбарчас боғлиқ эди. Нақшбандия тариқати муассисининг " Даст ба кору дил ба ёр" деган буюк шиорига асосланган ҳолда ривожланиб кетган ишлаб чиқариш кучлари, косибчилик, ҳунармандчилик, халқ амалий санъати Зарафшон водисида янги погонага кўтарилди.

Фаровонликка, яратувчиликка катта эътибор берган Амир Темур Нақшбандия тариқатининг бун диорлик моҳиятини ҳаммадан кўра тез пайқаб олди ва юртнинг осойишталиги, ободончилиги, истиқболини ўз пири оммилинип' маънавият дун си ва ҳа тбахш шиорлари билан боғлади. Буюк бухоролик шайх тариқатига асосланган ҳолда темурийлар давлати ҳар жиҳатдан равнақ топди.

Амир Темурнинг 35 йиллик ҳукмронлик даврида сал танатнинг иккинчи пойтахти Бухоро катта таянч ролини ўйнатди. Бу давр ичида Соҳибқирон ҳа ти па си сий - ҳарбий фаолиятининг Бухоро билан боғлиқ нуқталари анча кўп. Бу ҳол Бухоронинг Мовароуннаҳрдаги стратегик ўрни билан боғлиқ эди. Олтин Урда на Оқ Урда хонлари 'Ча-

гатой улусига қарашли шаҳар-қишлоқларни ўз тасаррувига киритиб, Хоразм [illegible]. [illegible] томондан Мовароуннахр марказига хавф солиб турарди. Талон-тарожлик, олмон айниқса кўп фаслида, озиқ-овқат ва ем-хашак танқис бўлган вақтда кучаярди. Хоразмнинг Олтин Урда таъсирида қолиши Бухоро вилояти, унинг Қоракўл, Кондсор туманларига доимий хавф туғдириб турарди. Бу хавфни бартараф қилиш мақсадида Амир Темур Хоразмни марказий ҳокимиятга бўйсундириш, уни Олтин Урда ва Оқ Урда таъсиридан ажратиб олиш чора-тадбирларини кўрди. Бошда соҳибқирон ишни яхшилик билан, дипломатия ишлатиб ҳал қилмоқчи бўлди. 1371 йилда у Хоразмга ўз элчисини мақсус мактуб билан юборди. Элчи Урганчда бир неча кун туриб, мактуб жавобини кутди. Локин Хоразмнинг қайсар ва мутакаббир ҳукмдори Хусайн Суфи жавоб беришга шошилмасди. Элчи бир куни унга "жавоби олийлари, қайтишга ижозат берсалар, соҳибқирон ҳазратлари мунтазир бўлиб қолмасинлар" деб мурожаат қилганда Хусайн Суфи "Ўша соҳибқироннинг ким бўлибдур, ўзи? Элчи юбориб ўлтургондин кўра ўзи келса бўлмасму эрди," деб истеҳзоли кулиб қўяди ва ҳақоратли сўзлар ила ёзилган жавоб мактубини элчининг қўлига тутказади. Шу тариқа Амир Темурнинг Хоразм устига биринчи юриши бошланади. Бухоро даштларидан ўтиб, лашкар Хоразм қалъаларини ишғол этди. Хусайн Суфи қонли муҳорабада ҳалок бўлди. Унинг ўрнини укаси Юсуф Суфи эгаллади. У марказий ҳокимиятга бўйсунишни хоҳламаган кучларга қанчалик таянмасин, Амир Темур кучига бардош

www.ziyouz.com kutubxonasi

беролмай, сулҳ сўради. Бухоро вақтинча бўлса ҳам хавф-хатардан озод бўлди.

Бироқ бу осойишталик узоққа бормади. Амир Темур хизматида бўлган бир неча амиру - лашкарбошилар соҳибқиронга қарши фитна уюштирдилар ва унинг газабидан қўрқиб Хоразмга кочдилар. Улар орасида олдин Темурга содиқ хизмат қилган Маҳмудшоҳ Бухорий ҳам бор эди. Қочоқ - амирлар Юсуф Сўфи билан тил бириктириб, унда марказий ҳокимиятга нисбатан душманлик ҳиссини уйғотдилар. Натижада Юсуф Сўфи қўшин тўплаб Бухорога юриш бошлади. Ушанда Амир Темур Кешда турарди. У лашкарини тўплаб Бухорога етганда вазият ўзгариб кетди. Юсуф Сўфи 1371 йилги сулҳга содиқ қолиши ва фитначи амирларни тутиб келишга тайёр эканлигини билдириб, элчи юборди. Амир Темур ўз лашкарини Бухородан Самарқандга қараб бурди. Хоразмдаги юришлар шу тугалланди.

Учинчи юриш 1375 йилда бўлиб, унда Амир Темурнинг Олтин Урдага муносабатидан норози амирлар Бухоро ва Самарқанд ўртасидаги шаҳар ва қишлоқларда исён кўтардилар. Соҳибқироннинг тўнғич ўғли амирзода Жаҳонгир отасининг кўрсатмаси билан исёнчиларга қарши ташланган 20 минглик қўшиннинг илғор қисмига қўмондонлик қилиб, Кармонада душманга қаттиқ зарба берди. Соҳибқирон эса шу пайтда ўз қароргоҳини Работи Маликда ўрнатиб, исённи бостиришга раҳбарлик қилар эди.

Орадан уч йил ўтгач, Амир Темур яна Юсуф Сўфи

билан тўкнашди. Сабаби - сохибкироннинг мамлакатда і - узокда Оқ Ўрда хони Улусхонга қарши урушда бўлганидан фойдаланиб, Юсуф Суфи яна Бухоро чегараларига бостириб кирди ва унинг қатор туманларини талади. Амир Темур ўз вакилларини юбориб, бу можароларни тинчлантирди, лекин Хоразмдан вақт-вақти билан чиқиб турадиган хавфни узил-кесил бартараф қилишга қатъий режа қилиб қўйди. Бу ниятига Амир Темур тез орада етди. Урганч тўла ишғол қилинди, мамлакатнинг шарқи-жанубий қисми марказий хокимиятга тобеъ этилди. "Баъзи тарихнавислар айтишича,- деб қайд қилади академик Бўрибой Ахмедов - Хоразм лашкарининг Бухоро ва Қоракўлга қилган вуэлқлариға жавобан Амир Темур шахарнинг тамом бузилиб кетган қисмини омоч билан хайдаб, туз септириб юборган экан"[1]

1387-88 йилнинг қишини салтанат сохиби Бухорои Шарифда ўтказди. Бироқ бу ерда дам олишнинг имкони бўлмади. Икки нарса сохибкиронга тинчлик бермасди: ўша кунлари унинг бошига оғир кулфат тушганди-суюкли қизи Оға бегим оламдан кўз юмган эди. Ундан бир яшар Султон Хусайн исмли ўғли етим бўлиб қолганди. Иккинчидан, Али-бек билан амир Вали Эроннинг Сабзавор шахрини олишга хозирлик кўраётгани хақидаги ташвишли хабар олинди. Бир неча кун қайғуга ботган сохибкирон ахир ором олди ва яна салтанатни мустахкамлаш масалаларига қайтди. 1382 йилнинг январида у лашкарини етаклаб, Бухорои Шарифдан чиқди ва Чорв орқали Эрон чегараларига ўтиб, ис нчи

I. Б. Ахмедов. Амир Темур. Тарихий роман, 193-бет.

амирлар'га қарши муваффақиятли ҳаракатларни олиб борди.

Амир Темур си сатида Бухоро XIV асрнинг 80-йилларида. Олтин Урда хони Тўхтамишхон билан бўлган курашларда яққол намоён бўлди. Тўхтамиш вақтида Оқ Урдадан қочиб, 1376 йилда Самарқандга Амир Темур ҳузурига келган ва унга хизмат қилишга розилик билдирган эди. Соҳибқирон Тўхтамишхонга кўп илтифотлар кўрсатади, унинг Оқ Урда тахтини эгаллашига кўмаклашади. Лекин маккор Тўхтамишхон кўрнамаклик қилиб, Темурга қарши си сат йўлига киради. У Олтин Урда ҳудудини кенгайтириш мақсадида Темурга қарашли ерларга юришлар қилади, улуғ давлатчилик си сатини олиб бориб, Самарқанд салтанатини заифлаштиришга уринади. 1387-88 йилларда Тўхтамишхон Амир Темурнинг Мовароуннаҳрда йўқлигидан фойдаланиб, Зарафшон водийсига ҳужум қилади. Тўхтамишхон лашкарининг бир қисми Бухоро вилояти чегараларига бостириб киради ва атроф қишлоқларни талайди. Ҳеч қандай қаршиликка учрамаган ёв Бухорони олиш пайти туғилади. Шаҳар қамал қилинади. Бироқ Бухоро қалъаси Амир Темур томонидан мустаҳкам қўрғонга айлантирилган эди. Қонли жангларда бухороликлар шаҳарни ҳимоя қилиб қолишга эришадилар. Тўхтамишхон ўз ниятига етмай, чекинади. Бу воқеалардан хабардор Амир Темур сўнгра Тўхтамишхон ортидан бориш лозимлигини сезади. 1395 йилда у душманига ҳал қилувчи зарбани беради. Шундан сўнг Олтин Урдадан Мовароуннаҳрга солиниб турилган хавф узил-кесил бартараф қилинади.

Ундан уч йил муқаддам, 1392 йилнинг [illegible] Амир

Темур катта лашкарлари билан Самарқанддан Бухорога келади. Шу ерда икки ҳафтача туриб энди йўлга чиқиш олдидан тўсатдан касалланади. Хасталикка эътибор бермасдан қўшин билан Бухородан чиқадилар. Лекин унинг биқинидаги Кўйи Зар дог я мавзега (бу жой шаҳардан 4 5 км масофада бўлиб, ҳозирги Бухоро тумани "Маданият" жамоа хўжалиги худудида) борганда касал зўраяди. Соҳибқирон бир ойча шу ерда қолиб даволанади.. Шифо топгач, 1392 йилнинг августида Бухородан Астробод томон йўл олади. Эндиги муҳорабалар Эронзаминнинг ҳудудида мўлжалланган эди.

У ерда соҳибқирон Форс, Сеистон, Язд ва бошқа вилоятларда бошланган исёнларни бостирди. Бу жангларга у Ҳамадонда туриб раҳбарлик қилди. Бу шаҳарнинг осоруатиқалари билан танишди. Ҳамадонда буюк бухоролик табиб Абу Али ибн Сино қабри борлигини билган соҳибқирон бу муборак мақбарани бориб зиёрат қилди. Бухоронинг муқаддас тупрогига, унинг буюк алломаларига бундай ҳурмат ва эҳтиром туйгусини соҳибқирон фарзандларига ҳам сингдирди. Унинг ўгли Жаҳонгир Хонзодабегим номи билан машҳур бўлган Суюнбекани ўз никоҳига олиш учун Хоразмдан Самарқандга олиб келаётганида Бухорои Шарифга тушиб, Чашмаи Аюбнинг муқаддас сувидан ичиш, ундан йўлни давом этиб, Самарқанд яқинидаги Хартанг қишлогида буюк олим, ҳадис илмининг султони Имом Исмоил ал-Бухорийнинг муборак мозорини тавоф этиш маслаҳатини айлан падари бузрукворидан олган эди.

Уз терихида беҳисоб жангу-жадал, ур йиқит ва тўв-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тарихларини кўрган қўҳна Бухоро Амир Темур даврига келиб ўзининг ягона, марказлашган салтанатида тинч ва осойишта ҳаёт кечирди. Салоҳиддин Тошкандий "Темурнома" да қайд қилганидек, "Соҳибқирон юртни ёлдог адолат билан сўрадилар. Эл-юрт Бухоро барча офарин дедилар"[1]. Амир Темур Мовароуннаҳрнинг дунё тараққиёти билан бевосита боғлаб, ўз давлатини жаҳоннинг буюк салтанатлари қаторига қўшган экан, Бухоро ҳам бу жаҳоний шуҳратга эришишига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшди ва бу шукрдан бахраманд бўлди.

Машҳур немис тарихчиси Ф.Шлоссер (1770-1861) Карл Маркс мутолаа қилган "Бутун жаҳон тарихи" китобининг 8-нчи жилдида "Саодатли жангчи, дунёнинг фотиҳи, айни вақтда ҳам узоқ Шарқни ўз мавқеида [illegible]" Темурга қимматли фикр билдиради. Бу фикрни тонгсиз олим, коммунистик мафкура зўравонлиги шароитида Амир Темур ҳақида бор ҳақиқатни бирмунча айтолган академик Иброҳим Мўминов ўз рисоласида келтиради: "Умрини юришларда ўтказадиган Темур тез-тез Бухоро ва Самарқандга қайтиб турар ва ўзининг янги давлатига қонунлар таклиф этар эди. Бу қонунлар татар галалари томонидан қилинадиган ноқулайлик, зўравонлик ва пайрона-ярчиликларга қарши кураш даражада қарши турарди"[2].

Амир Темурнинг Бухорои Шариф ҳақида доимий
1.Салоҳиддин Тошкандий. Темурнома. Амир Темур Кўрагоний жангномаси, 96-бет.
2.Иброҳим Мўминов. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. Тошкент, 1968, 41-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

гамхўрлик қилганини XIV асрдан ҳозиргача халқ орасида юрадиган бир ривоятдан ҳам англаш мумкин. Бу ривоятни темурийлар даврининг машҳур муаррихи Давлатшоҳ Самарқандий ўзининг "Тазкират уш-шуаро" номли китобида келтиради. Соҳибқирон Шероз шаҳрини ишғол қилгандан сўнг у ерда яшаб ижод этган машҳур шоир Хофиз Шерозийни ўз ҳузурига чақириб унинг кўпчиликка маълум байтини эслатади:

Агар он турки шерози ба даст орад дили моро,

Ба холи ҳиндуяш бахшам Самарқанду Бухороро.

Байтни ўқиб, Амир Темур шоирга қараб: "Мен қиличим зарби илан минглаб шаҳар ва қишлоқларни забт этдимки, севимли ватаним Самарқанд ва Бухоро обод бўлсин деб. Уларни дунёнинг гўзал шаҳарларига айлантириш учун кўп куч ва меҳнат сарфлаганман. Сен падот нозанинингнинг бир холи учун Самарқанду Бухорони бахшида этсанг?" дейди. Бу саволга Хўжа Хофиз ерни ўпиб: "Эй, султони олам, мен шундай сахий бўлмасам, шу аҳволга тушармидим?" деб жавоб беради. Бундай жавобни кутмаган соҳибқирон мамнун бўлиб, шоирга инъом-инноятлар қилади.[1] Ҳар бир ривоят, афсона - ҳақиқатнинг синиғи деган гап бор. Бу мисолда ҳақиқат парчаси шундан иборатки, Соҳибқирон Самарқанд билан баробар Бухоро обрўйи, мавқеи, шуҳратини кўтариш учун катта хизматлар қилган.

Бу хизмат ва эътиборни бугунги кунда шунинг учун ҳам алоҳида қайд этиш лозимки, айрим тарихий тадқиқотларда Темурнинг фақат Термиз сайидлари,

1. Аълохон Афсахзод. Хофизи Шерози. Душанбе, 1971, 7-бет.

Самарқанд уламолари, Шаҳрисабз шайхлари билан мустаҳкам алоқаси ва яқинлиги бўлганига урғу берилиб, унинг Бухоро руҳонийларига унча таянмаганлигига ишора қилинади. Бу фикрга қўшилиш қийин, чунки Соҳибқирон парчаланган Мовароуннаҳрни бирлаштириш ва ўзининг буюк салтанатини тузишга бел боғлаган экан, ўлкадаги барча шаҳарлар, улардаги социал куч ва қатламлар, [illegible] тариқатлар таъсири каби муҳим омилларни ҳисобга олган эди. Бу вазиятда ислом маркази ва қувватига (чивонига) бўлган Бухорои Шарифнинг алоҳида роли ва ўрнини у аниқ белгилаб, шу асосда ўз сиёсий, иқтисодий, маданий, ҳарбий режаларини амалга оширди. Бухоро жаҳонга машҳур салтанатнинг мустаҳкам таянчларидан бири эди.

Амир Темур вафотидан кейин Мовароуннаҳрда тож-тахт учун ўзаро кураш бошланиб кетди. Турли феодал гуруҳ ва сулолалар Самарқанд, Бухоро ва Ҳирот каби марказий шаҳарларда ўз мавқеларини мустаҳкамлаш учун тинмай ҳаракат қилдилар. Темурий султонларнинг ўзаро курашли узоққа чўзилиб, мамлакат иқтисодиёти, юрт ободончилигига катта зарар етказди.

Самарқандни Амир Темурнинг набираси Халил Султон эгаллаб олганида Бухорода Ҳамза барлос амалиячилик ҳукмронлик қилиб турарди. Соҳибқироннинг суюкли набираси II амир Улуғбек ўзига [illegible] қилиб тайинланган Шоҳмалик ва шайх Нуриддин билан Бухорода туриб, воқеаларнинг борасини кузатаётганини эдилар. Бу шаҳар тахт учун курашларда маълум сиёсий кучларга таянч нуқтаси бўлиши мумкин эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

шукдек бўлди ҳам. Тезда Халил Султон Пирмуҳаммад ва Шохмалик лашкарларидан устун келгач, Улуғбек Хуросонга, отаси Шоҳрух ҳузурига борди ва кўп ўтмай унинг марказий ва шимолий вилоятларига ҳоким этиб тайинланди.

1409 йилда Ҳиротни эгаллаган Шоҳрух Самарқандни иккинчи пойтахт даражасида кўриб, уни бошқаришни 15 ёшлик Улуғбекка топширади;[1] Бухоро музофоти унга қарашли ерларга кирарди. Ёш давлат арбоби сифатида Улуғбек, бувиси бобосининг одати ва анъанасига кўра, дин намояндалари, шайху-уламолари билан яхши алоқада бўлишни хоҳлайди. Унинг давридаги энг машҳур шайхлардан Хўжа Ҳасан Аттор бўлиб, у Хўжа Аҳрори Вали билан бирга фаолият кўрсатган. Ул замон машойихларидан яна бири Якуб Чархий бўлиб, Хўжа Аҳрори Валининг устози бўлмиш бу аллома Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбандидан таълим олган, унинг шогирди ҳисобланган.

Самарқандни 1411 йилдан бошлаб мустақил идора қилган Мирзо Улуғбек Мовароуннаҳрда маълум ва машҳур тарикатларини ёйган, сўфийлик ва дарвешлик маркази ҳисобланган Бухорои Шарифни ниҳоятда ҳурмат қиларди ва бу ҳурматини ўзининг биринчи мадрасасини шу қадимий шаҳарда қуриш билан билдирди. 1417-1420-йилларда Бухоро шаҳристонида бино қилинган бу иморат шаҳримизнинг бизгача етиб келган энг қадимги мадрасаси ҳисобланади.

Унинг қурилишига Эрондан келган меъмор, исфаҳонлик уста Тоҳир ўғли Исмоил бошчилик қилган. Икки қаватли иморат

---

1. Ўзбекистон халқлари тарихи. Биринчи жилд. 163-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

тўртбурчак шаклида бўлиб, олд эшиги пештоқли, иккинчи қаватида кутубхона жойлашган. Мадраса пештоқига "Билим олиш ҳар бир мусулмон ва мусулмонанинг бурчидир" деган сўзлар ёзилган. Бу ҳадис Аҳмад Яссавийнинг Туркистондаги мақбарасида ҳам битилган. Бу мақбара устига Амир Темур катта гумбаз қурдирган эди. 500 йил мобайнида Бухородаги Улуғбек мадрасаси мусулмонларга [illegible] тарғиб. Шарқдаги машҳур илм даргоҳи сифатида маълум эди. Фақат халқ инқилоби деб ноҳақ аталмиш 1920 йилги шўро тўнтаришидан кейингина бу муқаддас даргоҳ бўшаб қолди.

Машҳур астроном ва давлат арбобининг Бухоро ерида қурган иккинчи мадрасаси, маълумки, Ғиждувонда қад кўтариб турибди. Бу иморат 1432-33-йилларда Хўжа Абдухолиқ Ғиждувоний мақбараси ёнида қурилган бўлиб, яқин йилларда у тикланиб, ободонлаштирилди.

Темурийлар тарихчилари Абдураззоқ Самарқандий ва Мирхонд асарларидаги маълумотларга қараганда, Мирзо Улуғбек Бухорога фақат мадрасалар масаласи билан эмас, балки дипломатик муносабатлари билан ҳам келган. Бу муносабатлар XV асрнинг 20-нчи йилларида айниқса. Хитой билан авж олганди. Улуғбек бир неча марта Чин мамлакатига элчи юбориб, у ердан вакилларни қабул қилган эди.

1421-22 йил қишида Улуғбек Бухорода Тибет ўлкасидан келган элчиларни қабул қилиб, ҳозирги Арк биноси ўрнидаги қўрғонда улар билан музокаралар олиб борди. Тезда Хитой императори мактубини [illegible] Шоҳрухга олиб келган Ли Гуй Самарқандга етиб, унда Улуғбек билан уч

www.ziyouz.com kutubxonasi

рашади ва уни ўз таклифи билан Бухорога ҳам юборилади. Буюк Ипак йўлида жойлашган Бухоро, Самарқанд шаҳарлари Улуғбек даврида муҳим савдо марказларига айланганини қатор ўрта аср манбаларида ўз аксини топган. Бухорога қиш ойларида келишни хуш кўрган Мирзо Улуғбек бу шаҳар ва унинг атрофидаги туманлар тарихи жуғрофияси, табиий хусусиятларини яхши билган.

Мирзо Улуғбекни Бухоро билан боғлаб турган яна бир нукта бор. Бу унинг тўрт ўғлидан иккинчиси - Абдураҳмоннинг 1421 йилда, Бухорода туғилганидир. Абдураҳмон ёшлигида Самарқандга, саройга олиб кетилади, у тўрт - яшарлигида Мўғулистондаги жанггу-жадаллардан қайтиб келган отасини кутиб олганлар қаторида бўлади. Афсуски, унинг умри қисқа бўлиб, 1432 йилда вафот этади.

Буюк олим ва давлат арбоби 1449 йилги фожиали ҳалок бўлгандан сўнг тож-тахт унинг ўғли Абдулатиф қўлига ўтади. Ўз отасига қарши курашган бу кишига хонлик насиб этмади. Бир йилга борар-бормас вақт ўтгандан сўнг унга қарши фитна уюштирилиб, падаркуш ўлдирилди. Сарой тўнтариши натижасида ҳокимият Иброҳим Султоннинг ўғли Абдулла қўлига ўтди. Бироқ унинг ҳукмронлиги ҳам узоққа чўзилмади. Тахт даъвогари бўлиб Бухорода пайт пойлаб турган Абусаид чиқди.[1] Сергайрат, ақлли бу темурийни ҳокимият тепасига олиб чиқишда Хўжа Аҳрори Вали катта мадад берган. Абдулланинг қўшинларига Самарқанд яқинида зарба бериб, Абусаид ҳоким бўлиб олди.

---

1. История Бухары. С древнейших времен до наших дней. Под ред. акад. И.Муминова. Ташкент, 1976, 108-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

У катта-катта вилоятларни идора қилишни сулоланинг айрим аъзоларига топшириб, маъмурий тизимда тархон қоидасини жорий этади, яъни шаҳар ва вилоятни ўз ихтиёрига олган ҳоким тархон ёрлиғига биноан ер, мол-мулкдан давлат хазинасига топшириладиган солиқ, ўлпонлардан озод қилинади. Тархон ёрлиғи эгалари катта сиёсий ҳуқуқдан ҳам фойдаланар эдилар. XV асрнинг 50-60-йилларида Бухоро ва унинг музофотини темурий Абдуали тархон бошқариб турган. Самарқанд ва Бухоро атрофидаги жуда катта ерларнинг Абдуали тархон қўлида тўпланганини қайд қилган Заҳириддин Бобур унинг саройидаги дабдабаларини, у ўтказган ажойиб туй-томошаларини, у берган бой инъом, совға-саломларини тасвирлаш билан бирга Абдуалининг оддий фуқароларга қилган жабр-зулмларини, унинг бузуқлик ва бошқа салбий томонларини ҳам кўрсатади. Унинг саройи ўрта асрлардаги чинакам феодал ҳокими саройининг ўзгинаси эди.

1468 йилда Мовароуннаҳр ҳокими Абусаид Ғарбий Эронни истило қилиш учун лашкари билан йўлга чиқди ва бу юришдан қайтиб келмади. Шундан сўнг темурийлар давлати яна икки қисмга - маркази Ҳирот бўлган Султон Ҳусайн давлати /1469-1506 йиллар/ ва пойтахти Самарқанд бўлган Султон Аҳмад давлати /1469-1494 йй./га бўлинди.

Мовароуннаҳрда Абусаиднинг ўғиллари Ҳиротдан мустақил равишда ўртиш идора қилардилар. Аввал Султон Аҳмад, кейин Султон Маҳмуд, сўнгра унинг ўғли Султон Али Самарқанд тахтини эгаллаб турган бўлса-да мамлакат амир

www.ziyouz.com kutubxonasi

Темур давридаги кийфасы ва салохиятини йукотган эди. Темурий шахзодалар ва кудратли феодаллар, амалдорлар, лашкарбошилар уртасида муттасил равишда низо- можаролар булиб туриб, натижада юрт ободончилиги, сиёсий, иктисодий ва маданий хаёт оркага караб кетди. Мамлакатнинг сиёсий жихатдан парчаланиб кетиши окибатида Бухоро, Самарканд, Фарғонада мустакил хокимлар вилоятларни бошкариб, узаро курашларда четдаги харбий кучга таянар эдилар. Хуллас, XV асрнинг охиридаги Моварounнахрдаги сиёсий ва иктисодий ахвол Темур хокимият тепасига келиши арафасидаги парокандаликни эслатарди.

Темурийлар инкирозини диккат билан кузатиб турган Дашти Кипчок узбек кучманчи кабилалари хужум учун кулай вазият етиб келганини англадилар. 1500 йилнинг ёзида Мухаммад Шайбоний лашкари Бухорони камал килди. Обруйли амалдорлардан булган Боки тархон шахар мудофаасини ташкил килади. Конли жанглардан сунг шахар ишгол килинади, Боки тархон кочиб хозирги Зиёвуддин темир йул бекати ёнида жойлашган Дабусия калъасига бориб яширинади. Мухаммад Шайбоний уз укаси Махмуд Султонни Бухорога хоким этиб тайинлаб, узи кушини билан Моварounнахрнинг жанубий вилоятларини, Темурийлар давлатининг пойтахти Хирот булган иккинчи кисмини буйсундириш учун юришини давом эттиради.

Темурийлар тахтини душмандан саклаб колишга харакат килган Мирзо Бобур Зарафшон водийсида харбий куч туплашга карор килади. У Самарканд ва Бухорони эгаллаш

учун анча уринди. Лекин шайбонийлар Мовароуннахрда ўз мавкеларини тобора мустахкамлашга эришдилар. 1512 йилда Гиждувон ёнидаги жангда Мирза Бобур қўшини енгилади ва Бухоро хамда Мовароуннахрда темурийлар хокимияти бутунлай тугади. Бухорода Махмуд Султондан сўнг тахтга ўтирган ўғли Убайдулло бошда шу вилоятнинг, кейинчалик 30-йилларда Шайбонийлар давлатининг хони деб эълон қилинди. Тахминан шу пайтларда Темурийлар салтанатида ва ундан олдин Мовароуннахрда иккинчи пойтахт унвонида бўлган Бухоройи Шариф биринчи ўзбек давлати, Шайбонийлар мамлакатининг бош шахри, марказига айлана борди.

Бу олий унвонга Бухоро 1750 йилларгача, яъни Аштархонийлар давлати уч қисмга бўлингангача, кенг маънода олганда 1870 йилларгача, Ўрта Осиёнинг Россия томонидан босиб олингунига қадар эга бўлиб турди. Тарихий - адолат юзасидан айтганда, 3-3,5 аср давомида қадимий давлатда бундай юксак шарафга муяссар бўлиш замирида жахонга донги кетган Темурийлар салтанатидаги катта обрўй ва мавқе, буюк соҳибқирон томонидан Шарқнинг аллома шахрига кўрсатилган эътибор ва эъзоз ётади.

Хулоса қилиб айтганда, Темур ва Темурийлар даврида қадимий Бухоро сомонийлардан сўнг ўзининг иккинчи юксалиш палласига кирди. Давлатчиликка, маданият ва санъатда жахон стандартларининг юксак намуналарини берган темурийларнинг бунёдкорлик ва яратувчилик фаолиятига мезидкорлик қилиб, Бухорои Шариф ўз навбатида буюк сулола ва салтанатнинг қудрати, маънавият дунёсидан баҳрамандлик хиралада бахраманд бўлди.

# Башарият сарварлари

Халқимиз истиқлол йўлидан шахдам қадамлар, ташлаб олга бормоқда. Дориломон кунларда буюк аждодларимиз қолдириб кетган бебаҳо меросни ўрганишга, серқирра тарихимизнинг ўқилмаган саҳифаларини очишга интилмоқдамиз.

Мустақиллик шарофати билан ўтмишимизга чуқурроқ разм солар эканмиз, она-тарихимизнинг муҳим босқич ва даврлари ўзининг бутун чиройи ва салобати билан кўз ўнгимизда гавдаланади. Бундан олти аср муқаддам, XIV асрда Туронзамин мусулмон дунёсига, умумжаҳон тарихига башарият сарварлари бўлмиш икки буюк зотни - Баҳоуддин Нақшбанд ва Амир Темурни етиштириб берди.

Бу улуғ бобокалонларимизнинг авлодлар олдидаги - хизматлари мазмун ва соҳа жиҳатидан турлича бўлса-да, уларнинг дунёқараши ва маънавияти бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Буюк давлат арбоби, енгилмас саркарда, Мовароуннаҳр иқтисодий, сиёсий ва маънавий тараққиётига улкан ҳисса қўшган, илму-фан ва бунёдкорлик ҳомийси Амир Темур ҳаққли равишда тарих саҳифаларидан муносиб ўрин олган. Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов имзолаган "Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш тўғрисида" Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг қарорида бу буюк шахснинг тарихий хизматлари алоҳида қайд

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилинган. Хожаи бузруг ва Шоҳ Нақшбанд номлари билан машҳур бўлган Баҳоуддин Нақшбанд Мовароуннаҳрда тасаввуфнинг йирик намояндаси, каромат кўрсатувчи мўъжизакор, Нақшбандия тариқати асосчиси ва раҳнамоси сифатида бутун ислом дунёсига таниш ва азиздир. Бу буюк алломанинг 675 йиллигини нишонлаш, унинг мантиқий давоми сифатида ҳар йили зиёрат кунларини ўтказиш пойтахт Тошкентда улуғ соҳибқирон Амир Темур ҳайкали ўрнатилгани дек, ўзлигимизни англаш йўлида муҳим босқич бўлди.

"Амир Темур ва Баҳоуддин Нақшбанд" мавзуси ҳозиргача илмий адабиётда ўз талқинини топмаган. Бунинг объектив сабаблари маълум: коммунистик мафкура ҳукмронлиги даврида бу икки сиймони улуғлашга, уларни ўрганиш, бир-бирига қиёслашга ҳеч ким журъат этолмасди. Шукрки, бу мўътабар зотларнинг табаррук номи халқимизга қайтиб келди, уларнинг мероси ҳозирги маънавиятимиз таянч нуқталари сифатида эъзозланиб келинмоқда.

Амир Темур ва Баҳоуддин Нақшбанд замондош арбоблар. 1318 йили Бухорода туғилган Баҳоуддин 18 ёшга етганида, 1336 йилда Темур дунёга келди. У буюк давлат арбоби сифатида ўз салтанатини мустаҳкамлаётган бир даврда, 1389 йилда Нақшбанд у дунёга риҳлат қилдилар. Амир Темур яна 16 йил давомида ўз пири комили ғояларига таяниб катта давлатини идора қилди. Кураш ва тўс тўполонларга бой бир аср ичида, ярим асрдан кўпроқ вақт давомида, мураккаб ижтимоий сиёсий муҳитда яшаган табаррук зотлар бутун куч ва ақлу заковатларини Мовароун

шаҳр мамлакатини ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан мус таҳкамлашга бағишладилар ва шу тарихий хизматлари билан халқ дилида асрдан-асрга ўтадиган ўчмас хотира қолдирдилар.

Улуғ аждодларимиз фаолиятидаги муштараклик уларнинг ҳам зўравонлик ва салтанатга этган чоғларида, мўғул зулми остида инқироз этган халқни озодликка чиқариш йўлида якдиллигида акс этади. Маълумки, XIV асрнинг бошларида Мовароуннаҳрда мўғул истибдодидан қутулиш ҳаракати тобора кенг қулоч ёзаётган эди. Ҳали Чингизхон босқини вақтида хоразмлик ватанпарвар шайх Нажмиддин Кубро зулмкорларга қарши мардонавор курашиб, жангда ҳалок бўлган эди. XIV асрнинг 50-чи йилларида Бухорода қаршилик ҳаракатига унинг шогирди Сайфиддин Бохарзий бошчилик қилди.[1] Буюк Алишер Навоий "Насойим ул муҳаббат" асарида бу табаррук зотга шундай тасниф берган: "Шайх Сайфиддин Бохарзий Шайх Нажмиддин Кубронинг хулафосиндиндур. Зоҳирий улум таҳсили ва такмилидин сўнгра ҳазрати Шайх мулозаматига мушарраф бўлди ва тарбият топди ... Олти юз эллик саккизда /милодий 1258 йил/ оламдин ўтубдир ва қабри Бухородадур. Шайхул-оламга машҳурдир".[2]

Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларида мўғулларга қарши озодлик курашининг кучайишида шайх Шамсиддин Кулолнинг хизматлари катта. Баҳоуддин Нақшбандни маълум маънода

1 Н.Жўраев. IX-XIV асрларда авлиё даражасига кўтарилган бухоролик машойих ва олимлар. Бухоро,1992,46-бет.
2.А.Навоий. Насойим ул муҳаббат.Асарлар, XV жилд.Тошкент, 1968, 145-146 бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шайх Шамсиддин Кулолнинг шогирди деб хисоблашга асос бор, дейишади. Нақшбанд ўз устозининг Мовароуннаҳр юртини мўғуллар зулмидан озод қилиш ғояларига эргашган эди. Ўз юртини келгиндилардан тозалаш фикрини шакллантираётган ўсмир Темур Шайх Шамсиддин Кулол хузурига келиб турган ва унинг ватанпарварлик руҳидан маънавий озуқа олиб турган.

Бу ўринда шуни алоҳида қайд қилиб ўтиш лозимки, Мовароуннаҳрда мўғулларга қарши кўтарилиб бораётган озодлик ҳаракати нуфузли ислом уламолари иштироки ва раҳнамолигисиз муваффақиятга эришолмас эди. Дин аҳли /уларнинг айримларини истисно қилганда/, ватанпарвар шайху уламолар истилочиларга бош эгмаган, ҳарб майдонига кирган қасоскорларга маънавий мадад бериб турган. Академик В.В.Бартольд "Туркистон мўғул босқини даврида" деган асарида ислом руҳонийларининг бундай қўллаб-қувватлаши хақида: "Мўғул босқини даврида сўфийлар бошқаларга қараганда халқни уйғотишга, қаттиқ қаршилик кўрсатишга кўпроқ ҳаракат қилдилар. Сўфий раҳнамолари, Бохарзий-нинг устозлари Нажмиддин Кубро ва Рукниддин Имомзодалар Урганч ва Бухоро мудофааси пайтида шаҳид бўлдилар."[1] деб бежиз айтмаган эди.

Юрт ва миллатни хонавайрон қилган мустамлакачиларга қарши кураш[и]га бел боғлаган Темур мамлакатнинг турли вохаларида бошланаётган қасоскорлик кураш жараёнини диққат билан кузатиб турарди. Унинг ўткир нигохи доирасига Бухорода халқни озодлик курашига ундаётган

1.В.В. Бартольд. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Сочинения. Том I, Москва, 1963, С. 541-542.

Баҳоуддин Нақшбанднинг ватанпарварона чақириқлари ҳам киргэнлиги манбаларда акс этган.

Амир Темур ва Баҳоуддин Нақшбанднинг ўзаро муносабатларини айнан ёритадиган тарихий ҳужжатлар, афсуски, тадқиқотчилар ихтиёрида йўқ. Бироқ бу икки буюк шахснинг бир-бирига бўлган улкан ҳурмат-эҳтироми, Баҳоуддин Нақшбанднинг Амир Темурнинг маънавий устози, пири комили эканлиги исбот талаб қилинмайдиган ҳақиқатдир. Айниқса 1370-йили Шайх Шамсиддин Кулол вафот этгандан сўнг[1] энди ҳокимият тепасига келган Темур ўзининг сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий режаларини амалга оширишда ислом руҳонийлари пешқадами, авлиё даражасига кўтарилаётган Баҳоуддин Нақшбанд таълимотига таяниб иш кўрди. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, Амир Темур ҳар қачон урушга кетаётганда ёки зафар билан жанг майдонидан қайтаётганида аввал она-юрти Шаҳрисабзга тушиб, Шайх Шамсиддин Кулол ва қариндошларининг қабрларини зиёрат қилиб, ундан Бухорога ўтиб, бу шариф шаҳарнинг авлиё-анбиёларини, айниқса, Баҳоуддин Нақшбандни тавоф этиб, сўнгра ўз пойтахти Самарқандга борар экан.

Соҳибқироннинг Баҳоуддин Нақшбанд билан доставвал қаерда ва қандай учрашганлари ҳақида халқ орасида турли ривоятлар юрган. Темурнинг ёшлик пайтида ўз волидайи муҳтарамаси Текина Бегим мох ватани Бухорода кўп марта

---

1. Жаҳон мулкининг нигоҳбони. (Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд қабр йўли, тариқатига оид тезис ва мақолалар), Бухоро 1993, 6-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлганлигини ҳисобга олсак, бу ривоятларнинг тагида маълум асос борлиги аён бўлади. Уларнинг бирини тарихчи Салоҳиддин Тошкандий ўзининг 1908 йилда ёзган "Темурнома" (Амир Темур Кўрагон жангномаси) китобида келтиради. Бу ривоят шунчалик ҳам кенг тарқалганлиги кўринадики, С.Тошкандийдан олдин XIX асрнинг охирида Туркистон ва Бухорода саёҳат қилган рус зобити Н.Ситняковский ўзининг "Бухоронинг муқаддас жойлари" мақоласида худди шу ривоятни кўплардан эшитганини хабар қилади.[1] Иккала манбада ҳам учрашув йилларини ҳисоблашда номутаносиблик кўзга ташланса-да, бироқ халқ тасаввурида бу икки буюк зотнинг қиёфаси ажралмаган ҳолда сақланиб қолганлиги аҳамиятлидир.

Салоҳиддин Тошкандий бу ривоятни қуйидагича баён қилади:

"Соҳибқирон юртни андог адолат билан сурадиларким, етти туман Бухоро барча офарин дедилар. Бир кун Амир беклар билан Бухорони дарвозасидан чиқиб, ов қилголи борур эдилар. Абу Ҳафз Кабирийнинг иморатларининг ёнида бир нечя ушоқ болалар уйча ўйнаб ўлтурур. Алар ичра бир бола қаландар сурат, вали сийрат, қизил юзлик, қуралай кўзлик, кокиллари фотила-фотила, тошаскга ўролгон. Соҳибқирон ани томоша қилуб турдилар. Ул бола айди: Эй, Амир Темур, мани уйимни сотиб ол, сенга фойда қилур.

1.Ситняковский Н. Бухоронинг муқаддас жойлари. Туркистон археология ҳаваскандлари тўгараги аъзолари йиғилишининг Баённомалари. Тошкент,1899,55-56 бетлар (Рус тилида).

www.ziyouz.com kutubxonasi

Амир таажжуб айлаганча тишлаб ул боланинг кўнглини учун бир кумуш танга бериб сотуб олдум деб Саййидга келгандилар. Амир оддин келуб уза кечаси туш кўрсалар, гўё қиёмат қоим бўлубдур. Хашр-нашр ғавғоси - туб -туб халойиқларни бошига мезон: хайдарлар ва бошқасини сирот - кўприкига хайдарлар. Барчаси во ҳасрато, во надомато, деб йиғлашурлар. Амир Соҳибқирон ҳайрат дарёсига ғарқ бўлуб туруб эрдилар, баногоҳ фаришталари келуб, Амирни бир тахтга чиқаруб, кўтариб учмоққа еткуздилар. Анда иззат икром била иморати олийга киргуздилар. Анда хисобсиз ҳуру ғилмонлар Амирни хизматида бўлдилар. Ризвонлар айдилар: бу кечаги шарофатли ўғлонни қилгон уйидур. Филҳол Амир уйғондилар. Эртаси яна овга чиқтилар, борсалар болалар яна ўйноб ўлтурур. Амир айтдилар: эй бола, уйунчни сотармусан. Ўғлон айди: уйимни минг танга сотармен. Амир айди: кеча бир танга сотуб, бугун нега мунлоқ қиймат қилдинг! Ўғлон айди: бу кун уйумни қадрин билдинг. Минг танга ҳам бўлса баҳоси ортур. Филҳол, Амир Соҳибқирон отдин тушуб ўғлонни оёғига йиқилдилар. Ул бола Хожам Баҳо ул Ҳаққ дин /Баҳоуддин/ эрдилар".[1] "[illegible], давом этади муаррих, - аввал Амир Темур Соҳибқиронни Шайх ул ислом тарбият қилдилар, иккинчи шайх Шамсиддин Кулол тарбият қилдилар. Учунчи шайх Ҳасан Бухорий тарбият қилдилар. Тўртунчи Нақшбандлари ҳам тарбият қилдилар."[2]

[illegible] рус ёзувчиси Евгений Березиков "Буюк Темур" роман-хроникасига (Тошкент,-

1. Салоҳиддин Тошкандий. Темурнома. Амир Темур Кўрагоний жангномаси, 95-бет.
2. Ўша жойда.

www.ziyouz.com kutubxonasi

"Ўқитувчи" нашриёти, 1994 йил)да Амир Темурнинг Хоразм ҳокими Юсуф Сўфининг бебошимчалигига чек қўйиш учун у ёққа бораётганида йўлда Бухорода тўхтаб, Баҳоуддин Нақшбанд билан учрашганини бадиий тарзда қуйидагича баён қилади: "Қўй йили, ҳижрий 780 йилнинг шаввол ойида (милодий 1379) Темур эллик минглик қўшин билан тўртинчи марта Хоразмга қараб юрди. У Бухорода тўхтаб, шайх ва уламолар вакилларини қабул қилди. Руҳонийлар бошида халқ томонидан муқаддаслиги учун ҳазрат, яъни авлиёларнинг авлиёси деб эъзозланган Баҳоуддин Нақшбанд турарди. Темур унинг шонли ишлари ҳақида хабардор эди. Баҳоуддин Нақшбанд асли Бухородан бир фарсанг масофада жойлашган Қасри Орифон қишлоғидан эди. Қадимий Бухорода қарийб уч юзта мачит бўлса-да, Баҳоуддиннинг она қишлоғидаги Ҳумо мачитини бош мачит санашарди. Негаким, Оллоҳнинг назари тушган Баҳоуддин ҳали ёшлик йилларидаёқ одамлар ақлига сиғмайдиган кароматлар кўрсатарди. У бир қараш билан юраётган кишининг, учаётган қушнинг ҳаракатини тўхтатарди. Лекин бу имкониятларини Баҳоуддин унча юқори қадрламасди. У ўзининг бутун ғайратини руҳий билимдонликка эришишга қаратган эди. Қунт ва инсон табиий қобилияти ажойиб натижалар берди. У етти ёшида Қуръонни ёддан билар эди. Унинг муаллими ва устози Саид Амир Кулол бўлиб, бу авлиё у вақтда Тарағай Баҳодур, кейинчалик эса Темурнинг ўзига мураббийлик қилган эди. Айни пайтда Темур ва Баҳоуддин бир пирнинг муридлари бўлишларига қарамасдан, шу вақтгача ҳали учрашмаган ҳамда бир-бир-

ларига ҳеч ҳам ўхшамас эдилар. Баҳоуддин илоҳий қудрати ҳақида Темурга дастлаб Маккага ҳаж қилаётиб учрашган Содиқ дарвеш гапириб берган эди. Муқаддас жойлардан бирга қайтишган эдилар.

Темур Турон шаҳарлари мусулмонлари орасида Баҳоуддиннинг обрўйи катталигини яхши биларди. Баҳоуддин — "нақшбандия" дарвешлик тариқатининг асосчиси бўлиб, унинг таъсири муттасил ошиб борарди. Одамлар ўзларини бало-кулфатлардан ҳимоя қилиб: "Е Баҳоваддини балогардон!" деб уни ёрдамга чақирар эдилар. Бухоронинг шайх ва имомлари Соҳибқирон чодирига кирганда уларни бир-биридан айириш мушкул эди. Ҳар қайсилари узун оқ чопон, кўк салладa. Баҳоуддин эса ўзининг баланд, чайир қоматини ҳамда эски, туя терисидан қилинган чопони, кичик салла тагидан кўриниб турган дарвешлик кулоҳ билан ажралиб турарди. Кўзлари катта, чақчайган, бироз ғамгин, тик. Улар "бу оқсоқ, лекин қатъий ҳукмдордан нима яхшилик кутиш мумкин" деган маънода боқарди.

Тешиб ўталиган қараш соҳиби Темур муқаддас шайхнинг бундай ўткир нигоҳига бардош беролмай, ўзи биринчи бўлиб унга мурожаат қилди.

Эшитишимча, ҳаж пайтингизда Каъба мужовиркор тарзида авлиё Баҳоуддинга олтин инъом этиб, у олтинни камбағалларга берган экан?

Авлиёлик дунёдан бориб келганда мол-дунё ҳисобланмас — киноя жавоб берди Баҳоуддин. Ўйчан сукут сақлаб, давом эттирди: Муқаддас Каъба менга нашки олтин берди. У

www.ziyouz.com kutubxonasi

менга Тангри таоло ҳар асрда Муҳаммад пайғамбар динини ёйувчи ва ҳимоя қилувчи одамни етказиб бериши ҳақидаги илоҳий фикрни бағишлади. Бутун дунё мусулмонлари учун бундай зот бахтли юлдузлар остида туғилган Темур Тарағай Баҳодурдир.[1] Ана шу зот Оллоҳга суяниб жаҳоннинг барча мамлакатларига мусулмон динининг ҳақиқатларини ёйиши, муқаддас Бухорони эса ислом гумбазига айлантириши керак. Оллоҳу Акбар!

– Оллоҳу акбар! – барча йиғилганлар шайхнинг сўзларини такрорлаб, чиройли қилиб безатилган ирис тахтида ўлтирган Темурга таъзим қилдилар.

Баҳоуддин томонидан айтилган сўзлар ҳукмдорга маъқул тушди. Шунгача у дарвешларнинг муқаддас бошлиғи ҳамманинг хоҳлашига бўлмай жиддий бир ҳолда эди. Бу одамдан эса ҳар нарсани кутса бўларди, у ўзининг кашфиётлари таъ-

1. Бу ўринда ёзувчи "Темур тузуклари"даги ислом динини ривожлантириш, шариатни мусулмон мамлакатларига ёйиш ҳақидаги сатрларга асосланиб, Баҳоуддин Нақшбанд тилидан уларни бадиий тарзда ифодалаган. "Темур тузуклари"да бу ҳақда шундай дейилган: "Ислом динини ёйиб, унга равнақ берганим ҳақидаги овоза катта-кичик аҳли мўминнинг қулоғига етгандан кейин, ислом олимлари: "Тангри таоло ҳар юз йилда Муҳаммад, унга тангрининг марҳаматлари ва саломлари бўлсин, динига ривож бериш ва янгилаш учун бир кишини ислом динининг ёйувчиси ва янгиловчиси сифатида ихтиёр этади. Бу саккизинчи юз йилликда (яъни ҳижрий йил ҳисобидаги саккизинчи аср, милодий ҳисоб бўйича XIV аср – Ф.Қ.) Амир Соҳибқирон ислом динини жаҳон аҳлига тарқатди. Шунинг учун бу юз йилликда Муҳаммад динининг янгиловчиси шу киши бўлгай" – деб фатво бердилар."("Темур тузуклари", Тошкент, 1991, 58-бет) ( Муаллиф.)

www.ziyouz.com kutubxonasi

сир кучини яхши биларди. Темур отасининг васиятини яхши эсларди: "Авлиёлар билан, ўғлим, ҳазиллашма, улар сенинг ўрнингни йўқотиши мумкин". Энди эса ҳамма нарса аён бўлди ва Темур ҳожатини рослади.

– Қасам ичаманки, мен исломни ҳар қандай салтанатнинг безаги қилиб қўяман! Менинг отимнинг туёғи етган ҳар бир шаҳарда мачит қурдираман, ишғол қилган ҳар бир вилоятга Муҳаммад пайғамбар динининг билимдонларини юбораман.

– Оллоху акбар! – шайх Баҳоуддин Темурни дуо қилди.

Шундан сўнг авлиё Сайид Барака Қуръондан бир неча дуолар ўқиди ва шайх, имомлар кабули тугади. Темур Хоразмлик талончилар иккинчи марта Бухорои Шариф чегараларига яқин келмаслигига руҳонийларни ишонтирди. У Юсуф Сўфининг адабини бериб қўяди.

Темур Баҳоуддин билан бошқа учрашгани йўқ, бу учрашув ягона бўлиб қолди. Лекин унинг оқибатлари узоққа борди. Баҳоуддинга берган сўзининг устидан чиқиб, Темур йигирма олти мамлакатни ишғол этиб, жаҳонгир унвонини олди. Баҳоуддин эса дарвешона ҳаёт кечириб, Оллоҳ сўзи билан, ўз навбатида кўпгина мамлакатларни забт этди. У асослаган нақшбандия тариқатининг Осиё, Африка, Европанинг ўн саккиз мамлакатида ўз вакиллари бор. Темур жанглар пайтида тўрт юз минглик қўшинини ишга солар эди. Баҳоуддиннинг умри охирида уч юз мингдан зиёд муридлари бор эди. Бу кучларнинг қай бири кучлироқ эди буни ҳеч ким айтолмасди. Бу зотларнинг ҳар бири ўзича буюк эди. Ҳар қайсиси тарихда ўз ўрнини эгаллади. Бу-

www.ziyouz.com kutubxonasi

гунги кунда ҳам Ўзбекистон меҳмонлари ҳам Темур мақбараси. Баҳоуддин турбасини ҳам кўришга ошиқадилар. Бу инсонларнинг ҳаёт йўли турлича эди, лекин ақидаларини ҳам Оллоҳ ёрлақаган эди."[1]

Темур Термиз сайидлари, Самарқанд уламолари, Шаҳрисабз шайхларини қанчалик ҳурмат қилса, Бухоро садрлари, Нақшбандия тариқати намояндаларини ҳам шунчалик эҳтиром этган ва эъзозлаган.

Маълумки, Амир Темур ўз салтанатини 12 тоифага бўлиб, уларга таянган ҳолда иш кўрган. "Темур тузуклари"да бу ҳақда шундай дейилади: "Биринчи тоифа – сайидлар, уламо, шайхлар, фозилларни ўзимга яқинлаштирдим. Улар менинг саройимга доимо келиб-кетиб, мажлисимни безаб турдилар. Диний, ҳуқуқий, ақлий масалаларни ўртага ташлаб, қимматли фикрлар билдиришарди".[2] Бундай уламо-шайхлар орасида Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг шогирдлари ҳам бор эдилар. "Мен ҳар доим дин ақидаларига қатъий риоя қилардим ва Тангри таолонинг амри билан улуғланган шахсларга ҳурмат билан қарардим" – деган эди Амир Темур. Унинг ўгитларида шундай дейилган: "Пири комил Баҳоуддин Нақшбанднинг "Кам егин, кам ухла, кам гапир" деган панду насиҳатларига амал қилдим. Аркони давлатга, барча мулозимларга ҳам айтар сўзим шу бўлди: "Кам енглар – очарчилик кўрмасдан, бой-бадавлат яшайсизлар, кам

1. Евгений Березиков. Великий Темур. Роман-хроника. Тошкент, 1994. 311 – 313 бетлар. ( Рисола муаллифининг эркин таржимаси ).
2. Темур тузуклари. Тошкент, 1991. 64–65-бетлар.

ухланглар - мукаммалликка эришасизлар, кам ташланглар - доно бўласизлар."[1]

Яратувчиликка катта эътибор берган Амир Темур нақшбандия тариқатининг бунёдкорлик моҳиятини ҳаммадан кўра тез пайқаб олди ва юртнинг фаровонлиги, ободончилиги истиқболини ўз пири комилининг маънавият дунёси ва Хожа Баҳоуддин таълимоти билан боглади.

Буюк соҳибқироннинг Нақшбандия тариқатига чексиз ҳурматини белгилаган омил бу таълимотнинг асосий гояси бўлиб, у кишиларни ҳалол меҳнат қилишга, ҳунар-касб ўрганишга, ўзганинг эмас, ўз меҳнатининг мевасидангина баҳраманд бўлишга чақиришдан иборат эди. "Даст ба кору, дил ба ёр" - демак, Оллоҳни дилига жо қилган ҳар бир киши ҳалол-покиза меҳнат қилиб яшашга интилиши керакдир. Зоти бузургнинг буюк шиорига асосланган ҳолда ривожланиб келган ишлаб чиқариш кучлари, косибчилик, ҳунармандчилик, халқ амалий санъати Мовароуннаҳр шаҳар ва қишлоқларида ўзининг гўзал меваларини берди. Темурийлар даврининг иқтисодий равнақини таъминлаб борган омилларни ҳам аслида шу таълимот моҳиятидан излашга тўла асос бор.

Амир Темурнинг нақшбандия тариқатига ҳурмат ва эъзоз билан қарорганинининг сабабларидан бири - бу таълимотда ижтимоий адолатпарварлик жиҳатнинг илоҳийлик жиҳатидан устунлиги эди. Адолатли жамият барпо этган, жасурлик, тўгрилик, инсонпарварлик каби олижаноб фазилатлар эгаси

1. Амир Темур ўгитлари. Тошкент, "Наврўз" нашриёти, 1992, 9-бет.

Соҳибқиронга нақшбандия тариқати, умуман тасаввуф кенг халқ оммасининг манфаатларини ифода этганлиги, Оллоҳнинг бандаси – ҳазрати инсонни улуғлашга интилгани билан қадрли эди. "Нақшбандийлик таълимотидаги муҳим янгилик, – деб ёзади Насафий, – таркидунёчиликдан кечиб, ҳалол меҳнатнинг ноз-неъматларидан баҳраманд бўлиб яшаш, дунёвий ҳокимият билан халқ манфаатлари йўлида ҳамкорлик қилиш, ҳукмдорларни илм-маърифатга, адлинсофга чақириш яхши самаралар бера бошлади. Эндиликда ман-ман деган амирлар ва подшолар ҳам нақшбандийлар билан яхши муносабат ўрнатишлари зарур бўлиб қолди.

Тарих саҳнасига чиқиб, жуда кўп халқларнинг тақдирларига таъсир кўрсата бошлаган соҳибқирон Темур ва Туркия султони Йилдирим Боязид ҳам булдан мустасно эмасдилар".[1]

Қатор олим ва тадқиқотчилар Нақшбандия тариқатининг ўрта асрлар шароитида туркий халқлар тарихида тараққиётнинг қудратли воситаси бўлиб хизмат қилганлиги эътироф этмоқдалар. "Шубҳасиз, Нақшбандия тариқатидек таълимотлар орқали ислом дини юртимизда мақкамланмаса, – деб таъкидлайди атоқли адабиётшунос академик Иззат Султон ўзининг "Баҳоуддин Нақшбанд абадияти" рисоласида, – халқларнинг моддий ва маданий ҳаётида ислом бирлаштирувчи, тинчликни таъмин этувчи ва одамларни савоб ишларга илҳомлантирувчи фактор сифатида роль ўйнамаса, шу билан бирга тариқатда таркидунёчиликдан кечилмаса,

1. Насафий. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд. Тошкент, 1993, 32-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳаётга фаол муносабат тасдиқ этилмаса, жамиятга фидокорона хизмат ахлоқий қоида сифатида, муваффақиятли равишда тарғиб этилмаса, Темур ва темурийлар даврида бизнинг халқимиз ўз давлатини барпо эта олмас ва иқтисод ва маданият соҳасида оламшумул ютуқларга эриша олмас эди".[1]

"Амир Темур ва Баҳоуддин Нақшбанд" мавзуининг тарихчилар, файласуфлар, адабиётшунослар, диншунослар томонидан ҳозирги замон илмий тафаккури асосида чуқур ва кенг ўрганилиши бу икки машҳур шахснинг ўзаро таъсир нуқталарини, Марказий Осиё халқлари моддий, маданий ва маънавий мерosини таъминлашдаги буюк хизматларини тўла очиб бериш имконини яратади.

Ижтимоий фанимизда эндигина шаклланиб келаётган муҳим, айни пайтда мураккаб муаммони ҳар томонлама тадқиқ қилиш халқимизнинг бой ўтмишимизга бўлган ҳурматини оширибб, унинг буюк келажакка умид ва ишончини янада мустаҳкамлайди.

---

1. Иззат Султон. Баҳоуддин Нақшбанд абадияти. Тошкент, 1994, 75-76-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

# Мирзо Улугбек нигохида

"Темурхон наслидин султон Улугбек" (А.Навоий) жаҳон фани тараққиётига улкан ҳисса қўшган алломадир. У Амир Темурнинг Ироққа қилган юриши вақтида 1394 йилда Султония шаҳрида таваллуд топди. Улугбекка ўхшаган даҳоларнинг дунёга келиши ҳам хайрли ва савоб ишларни туғдирар экан: Ироқдаги Мордин қалъасини қамал қилиб турган Амир Темур ўғли Шохрухнинг фарзандлик бўлишини эшитиб, бу хушхабардан нихоятда кувонади ва қалъа аҳли, унинг атрофидаги аҳолига умумий авф беради, ҳатто Мордин атрофидаги ерларни маҳаллий ҳокимларга инъом қилади.[1] Болага Муҳаммад Тарағай деб ном қўядилар.

Соҳибқирон бундан икки йилча бурун вафот этган набераси Муҳаммад Султондан сўнг бутун меҳр-муҳаббатини шу зийрак ва сергак набераснга қўйган эди. Унинг билимга интилишини сезиб, тажрибали, оқил мураббийларга тарбия ва хат-саводини чиқариш учун топширади. Улугбек ёшлигидан давлат кенгашлари, расмий маросимларда қатнашиб, одатда Амир Темурнинг чап томонида ўтирар экан; бу ҳақда темурийлар тарихнависи Гиёсиддин Али Яздий, Испания қиролининг элчиси Руи де Клавихо ўз асарларида

1. Аҳмедов Б. Улугбек. Тошкент, 1965, 4-5-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ёзиб қолдирганлар.

Улуғбек ёшлиги туфайли жаҳонгир бобосининг ҳарбий юришларида қатнаша олмади. Соҳибқирон Амир Темур оламдан кўз юмгач, бек ва амалдорларнинг ўзаро уруш-низолари бошланиб кетди. Айни шу пайтда, яъни Улуғбек 10–11 яшарлигида унинг ҳаёти, таржимаи ҳолида Бухоро намоён бўла бошлади. Улуғбекка ҳоким этиб тайинланган шайх Нуриддин Шоҳмалик билан биргаликда Темурнинг набиралари Иброҳим Султон ва Улуғбекни олиб Бухорога равона бўлади. Бу шаҳар тахт учун курашларда таянч нуқтаси бўлди. 1406 йил февралида Қарши яқинида Пирмуҳаммад ва Шоҳмалик Халил Султонга қарши жанг қилдилар. Бу жангда Халил Султон устун келгач, Улуғбек Шоҳмалик билан Хуросонга кетди ва тезда унинг марказий ҳамда шимолий вилоятларига ҳоким этиб тайинланди. Бу вақтдан бошлаб Улуғбек давлатни бошқариш ишларини ўргана бошлади.

Тезда Ҳиротни эгаллаган Шоҳруҳ Самарқандни бошқаришни Улуғбекка топширади. Бухоро муҳофизи унга қарашли ерларга кирарди. Давлат арбоби сифатида Улуғбек дин намояндалари, шайхлар билан яхши алоқада бўлишни ҳоҳлар-ди. Унинг даврида энг машҳур шайхлардан Хўжа Ҳасан Аттор бўлиб, у Хўжа Аҳрори Валий билан бирга фаолият кўрсатган. Ул замон машойихларидан яна бири Ёқуб Чархий бўлиб, Хўжа Аҳрори Валийнинг устози бўлмиш бу аллома – Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанддан таълим олган, унинг шогир-ди ҳисобланган. Нақшбанди вафотидан сўнг Бадахшонга кетганди. Улуғбек сўфийлар билан келишиш мақсадида ўз саро-

www.ziyouz.com kutubxonasi

йида муҳаддисларни йиғиб, ҳадиси шарифларнинг маъносини муҳокама қиларди. Бу муҳокамага у Бухородан Шамсиддин Муҳаммад Кўборий ва Баҳоуддин Нақшбанднинг иккинчи халифаси ҳисобланган Муҳаммад Порсо хўжани таклиф қилган.

Мирзо Улуғбек Мовароуннаҳрда маълум ва машҳур тарикатларни йиғган, сўфийлик ва дарвишлик маркази ҳисобланган Бухорони ниҳоятда ҳурмат қиларди. Узининг умри давомида курдирган уч мадрасанинг биринчисини бу қадимий шаҳарда курдиргани ҳам шу ҳурмат рамзи эди. 1417-1420-йилларда Бухоро шаҳристонида бино қилинган бу иморат, Ибн Сино давридаги дорилфунунларни ҳисобга олмаганда, шаҳримизнинг энг қадимги мадрасаси ҳисобланади. 1424 йилнинг 28 ноябрида Улуғбек Самарқанддан Бухорога келиб, бу мадрасага ташриф буюрди. Муллобаччалар ва уларнинг домлаларига совғалар инъом этади, улар билан суҳбатлашади. XIX аср охирларида мадрасада 80 ҳужра бўлиб, унда 200 дан ортиқ талаба таҳсил олган. Уларнинг ҳар бири йилига 3,5 тиллодан стипендия олишган, бу маблағ тирикчилик ва китоб харажатларини тўла таъминлаган. Бу ҳақда 1841-1842 йилларда Бухорога келган рус шарқшуноси Н.В.Хаников узининг 1843 йилда Санкт-Петербургда чоп эттирган "Бухоро хонлигининг тасвири" китобида гувоҳлик беради.

Машҳур олим ва давлат арбобининг Бухоро замининда курган иккинчи мадрасаси, маълумки, Ғиждувонда қад кўтариб турибди. Бу иморат Хўжа Абдухолиқ Ғиждувоний мақбараси ёнида қурилган бўлиб, у Мирзо Улуғбекнинг буюк бобоси-соҳибқирон эътиқодига содиқлик белгисидир. Амир

Темур Юсуф Ҳамадоний, Абдухолиқ Гиждувоний, Аҳмад Ясса-вий, Баҳоуддин Нақшбанд таълимотларига чуқур эҳтиром билан қараган эди. Туркистондаги Аҳмад Яссавий мақбараси устида каттакон гумбаз қурдирганини бутун Мовароуннаҳр биларди. Ўз саройида олиму-фузалолар, сўфийлар билан кўп суҳбатлар қурган Улуғбек сўфийликнинг нақшбандия тариқатига асос солган буюк сиймо Ҳазрат Абдухолиқ Гиждувоний руҳини ниҳоятда эъзозлаган. Халқ орасида "Хожаи Жаҳон"-"Жаҳон хожаси" унвони билан машҳур бўлган бу зотни бузругнинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида Самарқанд подшоси бу алломанинг муборак жасади қўйилган мақбара ёнида мадраса қуришни буюради. Иморат 1432-1433 йилларда қуриб битказилади. Ҳужаи Жаҳон мақбараси билан биргаликда ягона, яхлит мажмуани ташкил қилган бу мадраса илм-фан ва маънавият ҳомийси Мирзо Улуғбекнинг авлодларига қолдириб кетган бебаҳо дурдонасидир.

Бухоро Мирзо Улуғбек олиб борган дипломатик алоқаларда ҳам муҳим ўрин тутган. Бу муносабатлар. XV асрнинг 20-30-йилларида айниқса Хитой билан авж олганди. Қайд қилиш керакки, Осиё қитъасининг бу улкан давлати билан муносабатга Улуғбек бобосининг сиёсатидан айрича йўл тутди. У Хитой билан яхши қўшничилик муносабатлари, савдо-сотиқ алоқаларини ўрнатиш тарафдори эди. Чин мамлакатидан келган элчилар Бухорода ҳам бўлганлар. Жумладан, 1421-1422 йил қишида Мирзо Улуғбек бу шаҳарда Хитой элчилари билан музокаралар олиб борган.

Мирзо Улуғбек Бухоро ва унинг атрофларига ошиқи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

кор) қилиш учун ҳам тез-тез келиб турган. У Бухоронинг табиий хусусиятлари, аҳолисининг кайфияти, машғулотини яхши билган.

Шунинг учун бўлса керак, Бухоро ва Самарқанд аҳолиси орасида адолатпарвар шоҳ Улуғбек ҳақида кўплаб ривоятлар тарқалган. Уларнинг бирини XVI аср адиби Зайниддин Восифий қуйидагича баён этади: "Улуғбек Мирзо хузурига бир одам келиб деди: "Мен Самарқанддан Бухоро томон кетар эдим. Минг танга пул ҳамёнимда бор эди. Икки фарсахга шаҳардан узоқлашганимда бир анҳор бўйидаги дарахт соясида ҳордиқ олдим, овқатландим. Қарши томондан бир киши келиб қолди. Уни овқатга таклиф қилдим. Узлича шундай қарорга келдим: ҳамён менда бўлмагани маъқул. Уни ҳалиги одамга бериб, буни уйимга олиб борсангиз, дедим. Бухородан қайтиб келсам, ҳалиги киши омонатни уйга келтириб бермабди. Ундан талаб қилганимда, мен сени танимайман, деди. Подшо буюрди, у айтган одамни топиб келтирдилар. Ундан сўради. У: "Мен буни ҳам, айтаётган дарахтини ҳам кўрмаганман, қаердалигини билмайман ҳам", деди.

Подшо муддаийга ўша дарахтдан бир-иккита барг келтиришни буюрди. Мункир келган одамни эса ёнидан жилдирмай, ҳар тўғрида ҳикоя қилиб, машғул қилиб турди. Ҳикоя айни қизиган пайтда сўради: "Ҳалиги одам ўша дарахтга етиб бордимикан-а?" Мункир келган одам камоли ғофиллик-дан: "Менимча ҳали етгани йўқ", деди. Подшо кулиб, сен у дарахтни кўрмаганман, билмайман деган эдинг. Энди қандай қилиб у одамнинг ҳали етиб бормаганини била қол-

дингт? Тез тур ўрнингдан, бехуда алдамчи

лигини қўй. Инсоф йўлига киргину омонатни қайтар..."[1] - дейди.

Бухоро Мирзо Улуғбек давлатининг молиявий марказларидан бири бўлган. Султон пул ислоҳотини ўтказиб, мис тангаларни чиқаришни Бухорода марказлаштиради. Темурийлер салтанати инқирозигача бу ерда бутун Мовароуннаҳрда бемалол юрадиган бир хил шаклдаги мис тангалар тайёрланган. Ўзбекистон Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси, таниқли бухорошунос А.Муҳаммадҷонов темурийлар салтанатига бағишланган тарихий очеркида шундай ёзади: "Эски чақаларини янгисига алмаштириб ички савдонинг майда мис пулларига бўлган талабини қондириш учун бир - вақтнинг ўзида у (Улуғбек - Ф.Қ.) Бухоро, Самарқанд, Қарши, Термиз, Тошкент, Шоҳрухия ва Андижон шаҳарларида зарбхоналар ташкил этиб, бир хил вазндаги салмоқдор фуллуслар зарб эттириб муомалага чиқарди. Эски чақалар қисқа вақт ичида янги фулусларга алмаштириб олингач, мис пуллар зарбини марказлаштириш мақсадида бошқа шаҳарлардаги зарбхоналарга барҳам берилиб, фақат Бухоро зарбхонаси сақлаб қолинди."[2] Мовароуннаҳрнинг барча шаҳар ва қишлоқларида "фулуси адлия", яъни адолатли пул номи билан шуҳрат топган бу пуллар давлатнинг ички савдосини нақд бойлик билан тўла таъмин этиб турган. Улуғбекнинг Бухородаги зарбхонаси қайси маҳалла-кўйда жойлашганлиги, афсуски, аниқлаш имконияти бўлмади, тахмин-

1. Зайниддин Маҳмуд Восифий. Бадоеъул вақоеъ (Нодир воқеалар). Тошкент, 1979, 67-бет.

2. Муҳаммадҷонов А. Темур ва темурийлар салтанати. Тошкент, 1994, 113 бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

лар бўйича зарбхона шаҳар ўрәти ҳисобланмиш Шаҳристон ҳудудида жойлашган.

Мирзо Улуғбекнинг тўрт ўғлидан иккинчиси - Абдураҳмон 1421 йилда Бухорода туғилган. Абдураҳмон ёшлигида Самарқандга, саройга олиб кетилади. Уша ерда 11 ёшарлигида оламдан ўтади.

1447 йилда Мирзо Улуғбекнинг отаси Шоҳрух ўз пойтахти Ҳиротда вафот этди. Отасининг мотам маросимини ўтказиб, Улуғбек ишончли одамлар билан унинг жасадини олиб ғамгин ҳолатда Бухорога қараб йўл олади. Тож-тахти жойлашган Самарқандга эмас, балки Бухоройи Шарифга. Гўё фақат шу муқаддас шаҳар, унинг авлиё-анбиёлари падари бузрукворидан жудо бўлган шох ва олимнинг ғамгин кўнглига таскин ва тасалли бера олгандай... Шу йилнинг қишини Бухорода ўтказган Мирзо Улуғбек шу ердан отасининг жасадини Самарқандга юборади.[1] Ўзи эса унга қарши кўзғалган хуросонлик бекларга қарши кураш билан банд бўлади. Шоҳрух темурийлар гўрхонасига айланиб бораётган - мақбарада дафн этилади. Беклар ҳужумини қайтарган Мирзо Улуғбек тезда Самарқандга бориб, Гўри-Мирда бобоси ва отасининг қабрини зиёрат қилади, унинг атрофидаги аҳолига, қаландару дарвешларга эҳсон ва садақалар қилади. Буюк давлат арбоби ва беназир олим умрининг тугашига атиги бир йил қолган эди...

Мамлакат пойтахтидан кейинги нуфузли шаҳар, диний марказга ҳодшо ва олимнинг кўрсатган ҳурмат эҳтироми

1. Бартольд В.В. Улугбек и его время. Сочинения, том 2, часть 2, Москва, 1964, стр.155.

www.ziyouz.com kutubxonasi

бухороликлар қалбида чуқур из қолдирди. Ўз навбатида Бухоро амирлари Улуғбек номи билан боғлиқ манзилларга зўр қизиқиш ва эътибор билан қарадилар. Шайбонийлар сулоласи даврида Самарқанд, маълумки, Бухоро хонлиги таркибига кирган ва бу икки қадимий шаҳар пойтахт сифатида ўрин алмашдилар. Бухоронинг машҳур хонларидан Абдулла Султон 1580 йилда Самарқандга бориб, Регистондаги Улуғбек мадрасаси аҳволидан хабар олади. Тарихчи Ҳофиз Таниш Бухорийнинг "Шарафномайи шоҳий" ("Абдулланома") китобида таъкидланишича, Абдуллахон шаҳардаги нураб кетган бошқа иморатлар қаторида Улуғбек мадрасасини ҳам таъмирлашни буюради. XVII асрда бошланиб кетган тўполонлар натижасида бу мадраса хароб ҳолга келган эди. XIX аср бошларида Бухоро амири Ҳайдар Самарқанддаги Улуғбек мадрасасини тиклашга катта куч ва маблағ ажратади ва шу даврдан бошлаб то Шўро тузуми ўрнатилгунча Мирзо Улуғбек қурдирган ҳар учала мадраса илмга иштиёқмандлар билан гавжум эди.

Мирзо Улуғбек ҳукмронлиги даврида Бухоро [illegible] [illegible] эди. Тўғри, ҳали Мири Араб мадрасаси ва Мачити Калондек ҳам не дин масканларининг қад кўтаришига 70-80 йил бор. Ҳали адабиёт, тарихнавислик, меъморчилик, хаттотликда юксак чўққилар олдинда, лекин темурийлар салтанатида қадимий Бухоронинг мавқеи доим ҳисобга олинарди ва Мирзо Улуғбек бу анъанадан чекинмади.

Ўтган асрларда жаҳон илму фанига улкан ҳисса қўшган Мирзо Улуғбек соҳибқирон Амир Темурдек ҳарбий истеъдод

www.ziyouz.com kutubxonasi

ва санъатга эга эмасди. У кўпроқ буюк бобосининг бунёдкорлик фазилатларига эргашди, расадхона, мадраса, мачитлар қурдирди. Атоқли давлат арбоби ва улуғ олимнинг бундай яратувчилик фаолиятига Бухорои Шариф ҳам мададкор эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

# *Темурийлар даври обидалари*

www.ziyouz.com kutubxonasi

# ЧАШМАИ АЙЮБ МАҚБАРАСИ

Амир Темур ва темурийлар томонидан таъмирланган, ободонлаштирилган ҳамда янгидан қурилган иншоотлар орасида Чашмаи Айюб мақбараси алоҳида ўрин тутади.

Айюб ( насроний ва яҳудийлар динида Иов) пайғамбарнинг номи бўлиб, азоб уқубатларга бардош берган тақводор сифатида мусулмон оламига маълум. Қуръонда айтилишича, шайтон Айюбга азоб берган, аммо Оллоҳ раҳм шафқат қилиб, Айюбни бу азоблардан қутқарган.

Бухоронинг ғарбий қисмида XII аср бошларида Айюб номи билан мақбара қурилади. У қудуқ ( булоқ ) ёнида бино қилиниб, Чашмаи Айюб номини олади. Икки ярим асрдан кўпроқ вақт ўтгандан сўнг мақбара соҳибқирон назарига тушади.1379 йилда Амир Темур Хоразмни марказий ҳокимиятга бўйсундиргандан кейин Урганчдан кўпгина усталарни Самарқанд, Бухорога келтириб турли иморатлар қуришни буюради. Жумладан Чашмаи Айюб таъмирланиб, унинг устки қисмига катта гумбаз қурилади, унинг шакли ва услубида Хоразм меъморчилик мактабининг таъсири яққол сезилади.

Мақбаранинг ўзи квадрат тарҳдаги (4,5х4,5 м ) гўрхона бўлиб I2 асрда унинг иккита эшиги бўлган. Гўрхона деворида унинг Амир Темур фармойиши билан 1379 йилда қурилгани ҳақида ёзув бор .

I5–I6 асрда гўрхонага тақаб гумбазли зал, бурчакларида миноралари даҳлиз бино этилади.Натижада ёдгорлик кенгайиб мақбаранинг қадимги қисми 19х25 м тарҳлик бинонинг ичида қолиб кетади. Иншоотнинг тўрт қисми бир-

www.ziyouz.com kutubxonasi

бирига ўхшамайдиган гумбазлар билан қопланган.

Чашмаи Айюб мақбараси мўғуллар ҳукмронлигининг кейинги даври ва такрорланмас темурийлар қурувчилик санъати унсурларининг ўзига хос равишда боғланиб уйғунлашиб кетиши намунасидир. Сомонийлар боғида, бу машҳур сулола мақбараси ёнида қад кўтариб турган Чашмаи Айюб ёдгорлиги бухороликлар ва қадимий шаҳар меҳмонларининг муқаддас зиёратгоҳига айланган. Улуғ бобокалонимиз Амир Темур назари тушган бу азиз авлиёни асраш, авайлаш, ободонлаштириш барча бухороликларнинг маънавий бурчидир.

## САЙФИДДИН БОХАРЗИЙ МАҚБАРАСИ

Бухоро шаҳрининг шарқий қисмида 13-14 асрларда иккита мақбара қурилди. Булар Сайфиддин Бохарзий ва Байён-Қулихон номлари билан аталади.

Машҳур шайх, шоир ва илоҳиётчи олим Сайфиддин Бохарзий 1190 йилда туғилган. У шайх Нажмиддин Кубронинг шогирди ҳисобланади. Бохарзий Мовароуннаҳрни хонавайрон қилган мўғул хонларига қарши курашаётган халқнинг курашини қўллаб-қувватлайди. Шайх бир мингга яқин талиби ўқийдиган Хония мадрасасининг мударриси ва мутаваллиси сифатида ислом дини билимларини кенг тарқатган. У 1262 йилда вафот этганида, унга ва қариндошларига атаб мақбара ва хонақоҳ қурилади. Сўфий шайхлар ва дарвишлар хонақоҳдан ўтар жой сифатида фойдаланиб, тонгги ош-овқат ва ейим-ичим билан таъминланганлар, чунки ат-

рофидаги қишлоқларнинг экин ерлари, боғлар, ариқлар, шаҳардаги бир неча карвонсарой, дўкон ва ҳаммомлар шу мақбара ва хонақоҳга вақф қилиб берилган эди.

Бу ердаги зиёратхона ва гўрхона кейинчалик катта портал пайдо бўлади. Унинг ҳар иккала томонида гулдасталар бўлиб, улардан томга чиқиш йўли очилади. Сайфиддин Боҳарзий қабри устига қўйилган ёғоч тахта маҳаллий усталар томонидан нафис санъат билан ишланган ёдгорлик ҳисобланади. Бой декоратив унсурларини ўзида акс эттирган бу ёғоч тахта ҳозир Бухоро музейида сақланмоқда. Мақбаранинг ичи баланд гумбазларда моҳирлик билан ясалган дарчачалар орқали ёритилади.

Тарихчи Н.Йўлдошевнинг маълумотларига қараганда, Бухоро амирлари тахтга ўтиришлари билан аввал бошда Сайфиддин Боҳарзий қабрини зиёрат қилиш учун келар эканлар, чунки уларга бу шайхнинг "Султон Худонинг ердаги совчисидир" деган гаплари жуда маъқул тушган.

Сайфиддин Боҳарзий мақбараси шўро замонида эътиборсиз четда қолди. Мақбара деворлари нураб, унинг айрим қисмларини тупроқ босиб кетди. Мустақиллик шарофати билан бу ёдгорликнинг таъмиротига хайрли ва савоб иш деб қаралмоқда. Уни асли ҳолича тиклаб, вилоят ва шаҳар аҳолиси ҳамда меҳмонларининг кутлуғ қадамжойига айлантириш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

## БАЁНҚУЛИХОН МАҚБАРАСИ

Бухоронинг машҳур шайх Сайфиддин Боҳарзий 1262 йил-

www.ziyouz.com kutubxonasi

да дафн этилгандан қарийб бир аср ўтиб, унинг мақбараси ёнида яна бир сағана пайдо бўлди. Бу – 1358 йилда Самарқандда ўлдирилган Баёнқулихон мақбараси эди. Уни шайх Сайфиддин ёнига келтириб дафн этишда маълум маъно бор эди: Бохарзий фаолиятининг аввалги босқичларида мўғул ҳукмдорларини халққа жабр-зулм қилмасликка, уларни инсоф-диёнатга чақирган эди. Баёнқулихон ҳам чингизийлардан бўлиб, 14 асрнинг ўрталарида Мовароуннаҳрда авж олиб кетган ўзаро можаролар пайтида амир унвонини олган мўғул ҳукмдори Қозоғон томонидан сохта хон сифатида тахтга ўтиргизилган ноёнлардан бири эди. Низолар оқибатида у 1358 йилда ўлдирилгач, жасади Бухорога келтирилади ва мақбарага қўйилади.

Темурийлар меъморчилигигача иншоот қилинган ушбу бино мўғуллар давригача бўлган маҳаллий архитектура анъаналарини сезиларли даражада давом эттирган. Айни пайтда у XIV аср полихром меъморчилигининг биринчи ёдгорлигидир, яъни унинг қурилишида турли металлар қукунидан тайёрланган моддалардан кенг фойдаланилган.

Мақбара биноси мўъжаз ва сернакор. Пештоқи нафис нақшлар, сиркор кошин безаклар билан қопланган. Ички қисми гумбазли, сиркор безакли зиёратхона ва кичик гўрхонадан иборат. Уларга турли рангдаги ислимий ва гириҳ нақшли ўймакор сопол парчалари билан ишлов берилган. Гўрхона ичида пастида уч поғонали сағана бор эди, у шакли ва кошинкорлиги билан Кўҳна Урганчдаги Нажмиддин Кубро, Самарқанддаги Қусам ибн Аббос қабрларини эслати-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди. Бухоронинг бу ноёб ёдгорлик услуби тарихчилар, санъатшунослар томонидан ҳар томонлама ўрганилган. Натижада XIV асрнинг иккинчи ярмида темурзодалар томонидан бу ерда таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилганини аниқлаганлар.

1926 йилда мақбарада реставрация ишлари ўтказилди. Кейинги ўн йилликларда эътибордан четда қолган бу обида ҳозир таъмирот ва муҳофазага муҳтож.

НАМОЗГОҲ МАЧИТИ

X-XII асрларда ислом дини марказига айланиб бораётган Бухорода мачитлар қуриш муқаддас иш деб қаралган. Мачитлар нафақат шаҳар ичида, балки ундан ташқарида ҳам бино қилинадиган бўлиб, йилда икки марта – Қурбон ва Рўза ҳайити кунларида мусулмонлар шу мачитларда намоз ўқиш учун тўпланар эдилар.

Шундай муқаддас бинолардан бири – Намозгоҳ мачити 1119-1120 йилларда, Қорахонийлар ҳукмдори Арслонхон даврида шаҳар қалъасидан ташқаридаги Шамсобод деган жойда қурилади. Шамсобод Бухорони ўраб олган деворга (XI аср) яқин мавзедаги жой саналиб, у ерда ажойиб боғ, иморатлар ва ҳайвонот боғи бўлган. Бу жой ҳақида машҳур бухоролик тарихчи Муҳаммад Абу Бакр Наршахий ўзининг "Бухоро тарихи" китобида маълумот беради. Кейинчалик, қорахонийлар сулоласи ҳукмдорлиги даврида бу ерда мачит қуришга қарор қилинади.

Намозгоҳ ўрта замонигача Бухородаги 360 та мачит

www.ziyouz.com kutubxonasi

орасидаги энг катталаридан бири саналиб, ҳозир шаҳар ҳудудида, маҳаллий саноат корхонаси ёнида жойлашган. Ўтган 8-9 аср ичида масжид бир неча марта таъмирланган бўлиб, янгиланиш ва таъмирот ишларининг муҳим қисми темурийлар ва шайбонийлар даврига тўғри келади. Амир Темур Бухорои Шарифдаги бошқа авлиё-анбиёлар қаторида Намозгоҳни ҳам ободонлаштириш чора-тадбирини кўрган. Таъмир жараёнида 1119-1120-йилларда қурилган дастлабки деворнинг қолдиқлари меҳробли деворга маҳорат билан улаб юборилади. Натижада иншоот мустаҳкам айвон композициясига эга бўлди, марказида пештоқ ва гумбазли бино бўлган учта устунли галереянинг юзига қаратган шакли юзага келди. Бинонинг бир томони очиқ бўлиб у меҳроб ва кичик минбарига эга.

1920 йилда Бухорода шўро тузуми ўрнатилгандан сўнг ҳам бир неча йил давомида Намозгоҳда тантанали намоз ўқилган. Лекин кейинчалик у ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Фақат 80 90-йилларда бино янгидан таъмирланиб, ўрта аср меъморчилигининг ёрқин намунаси сифатида қадрланмоқда.

## УЛУҒБЕК МАДРАСАСИ

Бухорои Шарифнинг Мовароуннаҳрдаги юксак мақомини чуқур тушунган Мирзо Улуғбек ўз умри давомида қурдирган учта мадрасанинг дастлабкисини шу шариф шаҳарда бино қилди. Бухорода бир неча марта бўлган Улуғбек унинг шаҳристонидан қулай жой танлаб, 1417 йилда шу ерда билим масканини барпо этишни буюради. Қурувчилар ишга ке-

www.ziyouz.com kutubxonasi

фахотлик уста Исмоил ибн Тоҳир бошчилик қилади.

Мадраса тархи ачлигу қирқ метрдан иборат. Кўпчилик мусулмон мамлакатларидаги шу турдаги илм даргоҳларидек икки қаватли қилиб қурилган. Биринчи қаватида мийён-хона, жамоат бўлмалари, мачит ва дарсхоналар жойлашган бўлиб, иккинчиси кўмхоналарга ажратилган. Икки айвонли тўртбурчак ҳовлиси кенг, лекин Самарқанддаги шу номли мадраса ҳовлисидан кичикроқ мадрасанинг олд қисми гулдасталар билан безатилган. Унинг пештоқига "Илмга интилиш ҳар бир мусулмон эркак ва аёлнинг муқаддас бурчидир" деган сўзлар, пештоқ тимпанидаги нақшлар орасида эса меъмор Исмоил ибн Тоҳир ибн Муҳаммад Исфахонийнинг номи битилган. Кириш эшигига зарб этилган бронза тахтадаги арабча битув эса мадраса қурилишининг 1417 йилда, яъни Самарқанд ҳокими Улугбекнинг 23 ёшда эканлигида битказилганлиги ҳақида маълумот беради.

Улугбек мадрасаси ўзининг босиқ улуғворлиги билан бошқа мадрасалардан фарқ қилади. Бинонинг эътибор га лойиқ жойи, пештоқ ва гулдасталардан ташқари, унинг ўн икки қиррали куйи гумбазчаларидир. Меъмор ясама безакларни ихчор этиб, гўзалликка нақшлар уйгунлиги орқали эришган. Бу ёлгорлик темурийлар даврида кенг ривожланган Бухоро меъморлик мактаби хусусиятларини ўзида му-жассамлаштирган.

Бухоро архитектурасининг фахри бўлмиш бу обида Мирзо Улугбек таваллудининг 600 йиллигини нишонлаш арафасида қайтадан таъмирланди. Шаҳристондаги бу ноёб меъморлик обидаси Бухоро туристик маршрутининг энг диққат-

www.ziyouz.com kutubxonasi

га сазовор нуқталаридан бири сифатида бор кўрки билан темурийлар санъатини намойиш қилмоқда.

## ҒИЖДУВОНДАГИ УЛУҒБЕК ЁКИ ХЎЖАИ ЖАҲОН МАДРАСАСИ

Қадимий Бухоро ерида Мирзо Улуғбек томонидан қурдирилган иккинчи мадраса Ғиждувонда қад кўтариб турипти.

Азиз авлиёларнинг пирларидан бири, Бухоро раҳнамоларининг устози Абдухолиқ Ғиждувоний руҳоний имом оиласида тахминан XII асрнинг ўрталарида таваллуд топган. 22 ёшида Бухоро шаҳрига келиб, Юсуф Ҳамадонийдан илм ўрганадилар ва Хўжагон тариқатига асос соладилар. Ислом олами у кишини тасаввуфнинг Хўжагон мазҳаби таълимотининг муассиси сифатида тан олган.

Ғиждувон ва Бухорода нашъу намо топган бу мутафаккир асрлар оша Баҳоуддин Нақшбандга ҳаққа етишиш йўлларида яширин зикр марosимлари сирларини ўргатган. Вафоти 1220 йил.

Мирзо Улуғбек буюк бобоси Соҳибқирон Амир Темурнинг Хўжа Абдухолиқ Ғиждувоний, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд каби авлиёлар сиймоларига ихлос ва садоқатини яхши билиб, унинг издошларига содиқ ...да Абдухолиқ Ғиждувоний қабри ёнида масжид ва мадраса қурдирди. 1433 йилда бино этилган бу мадраса буюк олим ва подшоҳнинг Хўжаи Жаҳон деган олий унвонга эга бўлган улуғ алломага ихлоси ва садоқатининг рамзидир.

Темурийларнинг Хўжа Абдухолиқ Ғиждувоний мозори

шарифаларида бунёд этилган бу ёдгорлик Мирзо Улугбекнинг 1417 йилда Бухорода курдирган мадрасасидан ҳам жиҳатидан бироз фарк килса-да, Ўрта аср мусулмон меъморчилигининг ноёб намунаси ҳисобланади. Иморатнинг кириш кисмидаги бэзакда шундай дейилган: "Бу улуг жой бўлиб, жаннат боглари янглиг маконлир" Улугбекдан кейин Мовароуннаҳрда, айникса Бухорода ҳукмдорлик килган хонлар бу зиёратгоҳга катта ҳурмат билан караганлар, халк уни ҳутлуг кадамжо сифатида тавоф этган.

Атеистик замонларда мадраса эътибордан четда колди. Шукрким, Хўжаи Жаҳоннинг имонли пок ворислари уни кайта тиклаб, ободонлаштирдилар. Темурийлар даврининг бу бебаҳо ёдгорлиги ҳозир шаҳар чиройига чирой кўшиб турипти.

www.ziyouz.com kutubxonasi

# ХОТИМА

"...Темурдай буюк шоҳ ва инсон хотирасига муносабатни кўриб, ачиниб кетасан. Ахир у ўз халқини тараққиётнинг юқори босқичига олиб чиққан. Ўз даврининг ўта маданиятли вакили эди.

Биз эса Осиё тарихига тааллуқли кўп нарсаларни билмай, билишга ҳам қизиқмай, уни ёввойи деймиз."[1]

Тугаётган асримиз бошларида Бухоро музофотини кезган рус зобити ва сайёҳи Д.Н.Логофет Ўрта асрларда шу юрт дашту-биёбонларида от ўйнатган буюк соҳибқиронга муносабат ҳақида шундай аччиқ ҳақ гапни айтган эди. Бу гаплар-ку Октябрь тўнтаришидан олдин айтилган экан, лекин "буюк инқилоб"дан кейин ҳам Амир Темурга муносабат ўзгармади. Аксинча, марксча-ленинча мафкурага асосланган шўро тарих фани Темур шахсини истаганча сохталаштирди, унга "босқинчи", "золим" тамғаларини босишга зўр бериб ҳаракат қилди. Фақат 60-йилларнинг охирларида — машҳур файласуф, ватандошимиз академик Иброҳим Мўминов "Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли" номли рисоласида улуг бобокалонимиз ҳақида бор ҳақиқатни айтди. Бироқ тарих ва ижтимоий фанларида бомбадек портлаб кетган бу ҳақиқат сиёсий коммунистик мафкуранинг қалинлашиб кетган деворини тешиб ўтолмади. Ҳақгўй олимга туҳмат тошлари отилди. Туронзамин шуҳратини олам

1. Д.Н. Логофет. Бухоро тоғлари ва текисликларида. "Самон йўли". Тошкент, "Камалак" нашриёти, 1992, 72-73 бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

га таратган буюк давлат арбоби ва б…азир инсон ҳақида ги чин ҳақиқат униш авлодларидан бекитиб келинди.

Тўғри, Амир Темур маълум даражада зиддиятли шахс. Сирасини айтганда жаҳон тарихи саҳифаларидан мустаҳкам ўрин олган Искандари Зулқарнайн, Юлий Цезарь, Наполеон, Сталин каби давлат арбоблари ҳаёти ва фаолиятида қанчадан-қанча қарама-қарши нуқталарни топса бўлади. Лекин фирқа бунйўмасини бажаришга тайёр турган "тадқиқотчилар" соҳибқирон фаолияти таҳлилига бир томонлама ёндошдилар, унинг инсоний фазилатлари, яратувчилик, бунёдкорлик ишлари, илм-фанга ҳомийлиги ҳақида лом-мим демадилар. Аксинча, Амир Темур …иб борган урушларга урғу бериб, унинг номини босқинчилик ва бнузлик тушунчалари билан боғлашни давом эттирдилар.

Оллоҳга шукрлар бўлсинким, истиқлолнинг биринчи йилларида Амир Темур соҳибқирон ўз тупроғида бутун салобати билан халқига, Ватанига қайтиб келди. Унинг давлатчиликни барпо этишдаги, фан, маданият ва маънавият тараққиётига қўшган бебаҳо ҳиссаси ҳар томонлама ўрганилаяпти ва жаҳон мамлакатларида тан олинаяпти.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузуридаги ЮНЕСКО Бош конференцияси 1996 йилда Амир Темурнинг 660 йиллигини жаҳон жамоатчилиги томонидан кенг нишонлаш …га қарор қабул қилди. Ўзбекистон Республикаси Пр… …и И. А. Каримов 1995 йил 26 декабрь фармони билан 1996 йилни "Амир Темур йили" деб эълон қилди. Бу қарорлар қаторига 1996 йилнинг 3 январида яна бир тарихий ҳужжат

қўйилди: Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов Бухоронинг 2500 йиллигини нишонлаш ҳақида фармон чиқарди. Бу байрам 1997 йилнинг сентябрь ойида ўтказилади. Мазкур қарорлар, шубҳасиз, халқимизнинг Соҳибқирон қолдириб кетган бой меросга қизиқишни оширади, ёш авлоднинг миллий ифтихор ва ватанпарварлик туйғуларини янада ўстиришга хизмат қилади.

Ўзбекистонда ҳақиқий темуршунослик энди шаклланаяпти. Ижтимоий фанимизнинг бу соҳаси олдинги ғайриилмий хулоса ва умумлашмалардан қутилиб, ҳақиқат йўлига чиқиб олмоқда. Темуршунослик кескин бурилиш арафасида турибди дейишга маълум асос бор. Ватаки бобокалонимизнинг буюк ишлари акс эттирилган ўрта аср манбалари янгидан очилаяпти, машҳур муаррихлар Шарафиддин Али Яздий, Ғиёсиддин Али Яздий, Абдураззоқ Самарқандий, Давлатшоҳ Самарқандий, Ҳофизи Абру, Муъиниддин Натанзий, Мирхонд, Хондамир ва бошқа буюк олимларнинг қимматли асарлари китобхон ва тадқиқотчиларга эндигина келиб етаяпти. Шубҳасиз, бу манбаларда Амир Темур ва темурийлар даврида Бухоронинг сиёсий ва маданий ҳаётига оид муҳим, рангбаранг маълумотлар топилади. Бинобарин, "Амир Темур ва Бухоро" мавзуси яна ҳам кенгайиб, чуқурлашиб, тобора мустаҳкамланиб борайётган янги тарихий тафаккур руҳида самарали изланишлар олиб борилади.

Кўҳна ва ҳамиша навқирон шаҳримизнинг ўрта асрларда Амир Темур, Мирзо Улуғбекка ўхшаш буюклар ҳақида

бўлганлиги, уларнинг мисли кўрилмаган бунёдкорлик ишларига руҳ ва куч бағишлаганлиги бугунги кунда. Соҳибкирон таваллудининг 660 йиллиги нишонланаётган вақтда биз бухороликларнинг қалбини фахр ва ғурур ҳиси билан тўлдиради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР


1. Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Тошкент. 1994.
2. Мўминов И. М. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихидаги тутган ўрни ва роли. Тошкент. 1968.
3. Аҳмедов Б. А. Амир Темур. Тарихий роман, Тошкент, 1995.
4. Ўзбекистон ССР тарихи. 1 жилд, Тошкент. 1967.
5. Ўзбекистон халқлари тарихи. 1 жилд, Тошкент, 1992.
6. История Бухары. Ташкент. 1976.
7. Самарқанд тарихи. 1 жилд. Тошкент. 1969. (рус тилида).
8. Мухаммаджонов А. Р. Темур ва темурийлар салтанати. Тошкент. 1994.
9. Бартольд В. В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия, Сочинения, т. 1, Москва, 1963. стр. 45—584.
10. Бартольд В. В. История культурной жизни Туркестана. Сочинения. т. 2, часть 1. Москва. 1963, стр, 169—433.
11. Гафуров Б. Г. Таджики. Т, 1. Душанбе, 1989.
12. Якубовский А. Ю. Тимур (Опыт политической характеристики). «Вопросы истории», 1946. № 8.
13. Вамбери Х. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. Тошкент. 1990.
14. Тошкандий С. Темурнома, Тошкент, 1990.
15. Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи, Темур тарихида тақдир ажойиботлари). 1-2-жилдлар. Тошкент, 1992 йил.
16. Березиков Е. Великий Темур. Роман-хроника. Ташкент, 1994.
17. Хукхэм Х. Властелин семи созвездий. Перевод с англ, яз. Г. Хидоятова. Ташкент, 1994.
18. Валихўжаев Б. Хўжа Аҳрори Вали, Самарқанд. 1993.


www.ziyouz.com kutubxonasi

19. Сомон йўли. Тошкент, 1992.

20. Усмон Ориф. Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг таълимоти ҳақида. Тошкент. 1993.

21. Бухорий Садриддин Салим. Дилда ёр. Тошкент, 1993.

22. Алескеров Ю. Н. Самарканд. Страницы истории. Ташкент, 1967.

23. Йўлдошев Н. IX—XIV асрларда авлиё даражасига кўтарилган бухоролик машойих ва олимлар, Бухоро, 1992.

24. Темур тузуклари. Тошкент, 1991.

25. Абдуллаев И. Носир Бухорий, Тошкент, 1969.

26. Воҳидов Р. Ж. XV асрнинг иккинчи ярми — XVI асрнинг бошларида ўзбек ва тожик шеърияти, Тошкент, 1983.

27. Қораев Т. Хўжа Исмат Бухорий. Бухоро, 1990.

28. Аҳмедов Н. А. Тилавов А. Т. Амир Темур ва темурийлар даврида ижтимоий-сиёсий ҳаёт. Самарқанд, 1993.

29. Афзаҳзод А. Ҳофизи Шерозий, Душанбе. 1971.

30. Каримов Ш. Шамсутдинов Р. Соҳибқирон Амир Темур ва унинг салтанати, Андижон, 1995.

31. Ҳамидов Ҳ. Қирқ беш аллома ҳикояти. Тошкент, 1995.

32. Жаҳон мулкининг нигоҳбони— (Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёт йўли, тариқатига оид тезис ва мақолалар). Бухоро, 1993.


www.ziyouz.com kutubxonasi

# МУНДАРИЖА

БЕТЛАР

СЎЗ БОШИ ЎРНИДА . . . , 7--9

ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА БУХОРО . .10-42

БАШАРИЯТ САРВАРЛАРИ . . . 43-57

МИРЗО УЛУҒБЕК НИГОҲИДА . . . 58-66

ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ ОБИДАЛАРИ . . 67-77

ХОТИМА . . . ,77-80

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР . . 89 90

www.ziyouz.com kutubxonasi

Научно-популярное издание

КАСЫМОВ Фархад Хабибович

# БУХАРА В ЭПОХУ ТИМУРИДОВ

(на узбекском языке)

БУХ. ТИП, ЗАКАЗ 404

www.ziyouz.com kutubxonasi